ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 22 ОКТЯБРЬ КУНИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГУЖАРАТ ШТАТИ БОШ ВАЗИРИ ВИЖАЙ РУПАНИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. 24-OKTABR, №43 (1188)

РИЭЛТОР ЎЙНАГАН ЎЙИН

АСЛИДА БИР ТАДБИРКОРГА АЖРАТИБ БЕРИЛГАН ЕРНИ БОШҚАСИГА 540 000 ДОЛЛАРГА ЎТКАЗМОҚЧИ БЎЛИШДИ.



5-бет

ҚОЧОҚ ОТАНИНГ ҚАРЗИНИ ТЎЛАШ ҚАРИНДОШЛАРИ ГАРДАНИГА ТУШДИ.
3

НИЗОМУЛМУЛК ҚОЗИЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАР ДЕГАН ЭДИ?
7

ЕР ТАЛАШГАН ҚЎШНИЛАРНИНГ ЖАНЖАЛИ ФОЖИАЛИ ЯКУН ТОПДИ.
9

ҚЎШИБ ЁЗИШ ҚАРИЙБ 300 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЗАРАР КЕЛТИРДИ.
11

ТУТАЁТГАН ХАЗОН

УНИ ЁҚМАСДАН ҚАНДАЙ ЙЎҚОТСА БЎЛАДИ?



4-бет

ТИРБАНДЛИКДАГИ КУЛФАТ



АРЗИМАС ГАПГА КУЗ ЮММАДИ, ОҚИБАТДА КЎЗЛАРИ БУТУНЛАЙ ЮМИЛДИ.

2-бет

Обуна 2020

Ҳурматли юртдошлар!

2020 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот таркатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ — 231

ИЛМ ТАНИТАДИ, БЕМАЪНИЛИК ЭМАС

КУРАКДА ТУРМАЙДИГАН ИШЛАР ҚИЛИБ, ЯНА «НАСАФИЙ» ТАХАЛЛУСИНИ ТАНЛАШ БУЮК ХАЛҚ ТАРИХИГА ОЁҚ ҚЎЙИШ, АЛЛОМАЛАРНИ МЕНСИМАСЛИКДИР.

6-бет



Долзарб масалалар муҳокамаси

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар дастурида Ўзбекистоннинг иштироки доирасида 2019 йилнинг 16 октябрь куни Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг "Коррупцияга қарши курашиш ва ноқонуний активларни қайтариш" мавзусига бағишланган 10-учрашувининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу каби учрашувлар илгари Бухарест (Руминия), Киев (Украина), Батуми (Грузия), Париж (Франция), Нурсултон (Қозоғистон), Боку (Озарбайжон) ва Прага (Чехия) шаҳарларида ҳам ташкил этилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар дастури — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун субминтақавий ташаббусларни ўзаро баҳолашда коррупцияга қарши курашиш тармоғи бўлиб, мамлакатларнинг Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси, бошқа халқаро стандартларнинг бажарилиши бўйича тавсияларни амалга оширишини кўриб чиқади ва кузатади.

Тадбир давомида Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакиллари учун коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва ўғирланган актив(мулк)ларни қайтариш мавзуларида сессиялар ўтказиш режалаштирилган.

Учрашувда Албания, Озарбайжон, Эстония, Грузия, Қозоғистон, Латвия, Мўғулистон, Руминия каби давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек халқаро нодавлат ташкилотларнинг вакиллари ҳамда одил судлов соҳасидаги халқаро экспертлар иштирок этади.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

Қурилиш соҳаси коррупциядан холи

Халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифалар коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли чоралар кўрилишини тақозо этмоқда.

Абдураҳим МУҲИДДИНОВ,
Бош прокуратуранинг бошқарма прокурори

Шулардан бири Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида қайд этилган қурилиш соҳасида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга оширишдир. Фармоннинг 2-иловасига асосан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси — Ўзбекистон Бош прокурори томонидан "Капитал қурилиш соҳасида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш бўйича йўл харитаси қабул қилинди.

Бош прокуратура раҳбарлигида вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида фаолият юритаётган буюртмачилар, лойиҳачилар, назорат инспекцияси ходимлари, пудратчи ташкилотлар ва тадбиркорлар иштирокида қурилиш соҳасидаги коррупциявий вазиятни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида давра суҳбати ташкил этилиб, ўтказилган аноним сўров натижалари бўйича йўналишлар белгиланди.

Шундай аноним сўровлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтказилиши таъминланяпти.

Шу билан бирга, соҳадаги камчиликлар, коррупциявий ҳолатлар бўйича аҳолининг фикрини аниқлаш мақсадида ишчи гуруҳ ихтиёрий танлов асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган объектларга бориб, тадбиркорлар ва қурувчилар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказмоқда.

Шунингдек, капитал қурилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ва улардаги коррупцияни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш мақсадида экспертизадан ўтказиш ишлари бошлаб юборилган.

Ушбу фармон юртимизда коррупциянинг батамом бартараф этилишига хизмат қилади.



Андижонда МИБчилар саволга тутилди

2019 йилнинг 16 октябрь куни Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Андижон вилояти бошқармаси оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда матбуот хизмати раҳбарлари иштирокида бошқарманинг 9 ойлик фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ойистахон АБДУРАҲМОНОВА,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

Бюронинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, МИБ Андижон вилояти бошқармаси вилоятда дебитор қарздорликни қисқартириш ва тўлов интизомини яхшилаш борасида иш олиб бормоқда. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчилардан 924,6 млрд сўм ундирилди. 2018 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 650,7 млрд сўмга тенг эди.

9 ой давомида ўтказилган тадбирлар натижасида 18 та жиноят иши қўзғатилди, энергия тармоқларига 1791 марта ноқонуний уланиш аниқланиб, айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар оқибатида таъминотчи корхоналарга 2 млрд 976 млн сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланиб, шундан 2 млрд 432 млн сўми ундирилган.

Иш самарадорлигини ошириш ҳамда ҳамюртларимизга қулайлик яратиш мақсадида "MIB-portal", "MIB-inspektor", ҳисоботларнинг ягона портали каби янги электрон дастурий тизимлар яратилди.

Вилоят бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлимларига келиб тушган ижро ҳужжатлари бўйича 789 млрд сўм ундирилган. Бу 2018 йилнинг 9 ойидаги кўрсаткичдан 12,8 фоиз кўп.

9 ой давомида юридик шахслардан 541 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ҳақида 18651 та ижро иши келиб тушган. Шундан 318 миллиард 700 минг сўми ундирилган. 120 миллиард 586 миллион 645 минг сўм маблағни ундириб бўлмагани учун ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддасига асосан қайтарилган.

Анжуман давомида журналистларни қизиқтирган ва жамоатчилик эътиборида бўлган саволларга бюро раҳбарияти ҳамда масъул ходимлар атрофлича тушунтириш беришди.

Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан вилоятдаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда 2019 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик доирасида қонунчилик тарғиботи тадбирлари ўтказилди.

Сайлов қонунчилиги талаблари тушунтирилди

Акбар БОБОЕВ,
Навоий ҳарбий прокурори

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли кучлар хизматчилари сайлов қонунчилигидаги янгиликлардан хабардор қилинди. Иштирокчилар сайлов комиссиялари ва уларнинг ваколатлари, сайлов иштирокчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муддатидан аввал овоз бериш, сайловчиларни рўйхатга олиш, сайлов натижасини аниқлаш ва эълон қилиш тартиби, кузатувчи ва журналистларнинг сайловдаги иштироки, сайлов қонунчилигидаги асосий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниши учун аниқ мисоллар ва слайдлардан фойдаланилди.

Тадбирда Навоий ҳарбий прокуратураси, Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳар адлия бўлими ходимлари, сайлов қонунчилиги бўйича тарғибот ва ташвиқот гуруҳи аъзолари ҳамда журналистлар қатнашди.

JAHLGA ERK BERMANG!

ТИРБАНДЛИКДАГИ КУЛФАТ

Эрталаб ишга кетишга чоғланган кишилар аксарият ҳолларда шошиб юришади. Автомобиллар қатнови ҳам шу пайтда тиғиз. Тирбандликлар... Бировбировга йўл берса, обрўси тушиб қоладигандек...

Иноят ҚИЛИЧЕВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Хусусан, пиёдалар йўлакчаларидан ўтаётган одамларни машина ичидан туриб "тезроқ, тезроқ" деб шоширишлар, баланд-паст сигналлар... Бу ҳолат албатта кўнгилни хира қилади. Шундай воқеа фожиага сабаб бўлди.

2018 йил 25 июнь куни Азизбек Жўраев "Матиз" автомашинасида йўлга чиққанда уни олдинда нималар кутаётганини билмасди. Бухоро шаҳридаги Ибн Сино ва Мустай Карим кўчалари кесишмасидаги тирбандликка келиб қолганида "Азамат" дўкони олдидаги йўлда "Нексия" русумли таксини йўловчи Ўктам Раҳматов тўхтатиб гаплашаётганини кўриб қолди. "Ҳайда! Шу ерда ҳам тўхтатасанми?!" деб бақира бошлаган эди, Ў.Раҳматов ҳам жавоб қайтарди. Оғзаки жанжал авж олди. Машиналарнинг кетма-кет сигналлари, шовқин-сурон бошланиб кетди. Шу пайт Ў.Раҳматов қўлидаги баклашкани зарб билан улоқтирди. Елим идиш "Матиз" ичида бўлган Азизбек Жўраевнинг 2017 йилда туғилган фарзандига келиб тегди. Ўғли билан бирга кетаётган Эркин Жўраев ҳам ўзини тутиб тура олмади. Жаҳл келганда инсон ўзини бошқара олиши қийин. Невараси жароҳатланганидан кейин Э.Жўраев ҳам жанжалга аралашди. Отаўғил биргалашиб Ў.Раҳматовга ташланишди. Унинг юзи, кўзи, бошига аямай уришди. Ҳаёти учун хавфли бўлган жароҳат етказилган Ўктам Раҳматов шифокорларнинг тиббий ёрдами ва муолажаларига қарамай 2018 йил 17 август куни Бухоро тумани касалхонасида вафот этди.

Суд ҳукмига кўра Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилган Азизбек Жўраев 8 йилга озодликдан маҳрум этилди. Эркин Жўраевга эса 5 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Маданият тушунчаси инсоннинг қандайлигини кўрсатувчи мезон. Тўлов маданияти, муомала маданияти, йўлда юриш маданияти... Ўғли Кореяда ўқиётган бир ҳамюртимизнинг суҳбати эсимга тушади. Уларда ҳар қанча тирбандлик бўлса ҳам машиналар сигнал чалмас экан. Пиёдалар йўлагидан ўтган йўловчи йўл четига чиқиб ҳайдовчига раҳмат айтиш маъносида енгил таъзим қилиб қўяр экан. Ҳатто иккита суҳбатдош олдида велосипеддаги киши тушиб узр сўрар экан... Биз-чи?! Ҳайдовчиларимиз нафақат бировнинг, балки ўзининг ҳаётига хавф туғдирадиган ҳолатларда ҳам "йўл меники" деган хавфли "қоида"ни илгари суради. Оқибатда баъзан юқоридаги сингари фожиа юз беради. Кейин афсусланишдан эса фойда йўқ.

Жорий йил 21 октябрь куни «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Бизнинг аждодларимиз доимо етимларнинг бошини силаган, ота-онанинг ҳаққини адо этган, уларнинг ҳурматини жойига қўйган. Динимизда ҳам инсонлар бир-бирларига яхшилик қилишга буюрилган. Чунки меҳр-оқибат устувор жамиятда бирдамлик, қут-барака, хотиржамлик ҳукм суради. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлганларга, етимларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг таълим-тарбияси, ҳуқуқий ҳимояси ҳам доимий эътибордаги масела ҳисобланади.



NAZORAT

ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР

уларнинг таълим-тарбиясига ким масъул?

Бухоро вилояти прокуратураси томонидан вилоят ҳокими ва прокурорининг 2019 йил 9 сентябрдаги ота-она қаровисиз қолган болаларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган тадбирларни кучайтиришга доир қўшма фармойиши ижроси ўрганилди.

Аббос ЭШМУРОДОВ,
Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Маълум бўлишича, ички ишлар органлари ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган 37 та оилада тарбияланаётган 51 нафар, кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган 161 нафар боланинг яшаш шароитини ўрганиб, профилактик суҳбат ўтказилган. Турли сабабларга кўра қаровсиз қолган 18 бола вилоят ИИБ ҲПБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилган.

Таълим муассасалари билан ҳамкорликда қаровсиз қолган болаларнинг дарсларга қатнашишини назорат қилиб бориш мақсадида мактабларда 657 марта, маҳалла фуқаролар йиғинларида 565 марта, касб-ҳунар таълими муассасаларида 67 марта мулоқама ва учрашувлар ўтказилган. Профилактик тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарликка мойил бўлган 34 бола якка тартибда профилактик ишларни юритиш учун ҳисобга олинган. Ички ишлар органлари ходимлари ўтказган рейдларда тўртта ҳолатда вояга етмаганлар тунги вақтда кўнгилочар жойларда бўлгани аниқланиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳамда маъмурий судлар томонидан қонуний қарор қабул қилиниши таъминланган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, 2019 йилда ота-она қаровисиз қолган 2142 та бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 831 нафарида турли касалликлар аниқланган, 682 таси амбулатор, 149 таси стационар тартибда соғломлаштирилмоқда. 1311 нафар бола соғлом деб топилган. Хусусан, гинекологик муаммо ва касаллик аниқланган 42 та қиз вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда ҳудудий кўп тармоқли марказий поликлиникаларда ташкил этилган саломатлик марказларида соғломлаштирилган.

Ақлий ривожланишда кечикиш ёки жисмоний нуқсони бўлган 3 бола ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган.

Вилоят мактабгача таълим муассасалари туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда ота-она қаровисиз қолган 518 та бола мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди.

2142 нафар бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган.

Вилоят васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида ота-она қаровисиз қолган 905 боланинг 599 нафари васийликка, 111 нафари ҳомийликка, 17 нафари оила(патронат)га берилган, 137 нафари фарзандликка олинган, 22 нафари меҳрибонлик уйи ва 19 нафари болалар уйига жойлаштирилган.

Масъул ташкилотлар қўшма фармойиш ижроси юзасидан камчиликларга ҳам йўл қўйган. Жумладан, Бухоро шаҳрида 32 бола ота-она қаровисиз қолгани аниқланган бўлса-да, бирортасига ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатилмаган. Ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича Когон шаҳридан ташқари бирорта туман ва шаҳар ташкилоти судга даъво аризаси киритмаган.

Жондор туманида 78 бола ота-она қаровисиз қолгани аниқланган бўлса-да, уларни васийлик ёки ҳомийликка бериш чораси кўрилмаган. Шофирконда эса 300 нафар вояга етмаганлардан 2 тасига васий тайинланган, холос.

Бевосита вилоят прокуратураси органлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган тадбирларда 2404 бола ота-она қаровисиз қолгани аниқланиб, улардан 2171 нафарининг яшаш шароити ўрганилган, 248 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилган.

Беш муҳим ташаббус доирасида қаровсиз қолган болаларнинг 636 нафари фан, 305 нафари ҳунар, 229 нафари мусиқа ва 702 нафари спорт тўгарагига жалб қилинди.

Мазкур тоифадаги қизлар ўртасида эрта никоҳ ва эрта туғруқ ҳолатларининг олдини олиш бўйича 693 нафар қизнинг яшаш шароити ўрганилиб, 600 таси билан якка тартибда суҳбат ўтказилди. 229 нафарига васий ва 37 нафарига ҳомий тайинланди. Судларга оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича 1 та ва оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича 1 та даъво аризаси киритилди.

Тадбирлар жараёнида 1058 болага ёшлар етакчилари ва Ёшлар иттифоқи фаоллари бириктирилиб, 381 бола иштирокида кўрик-танловлар ташкил этилган ва уларнинг 126 нафари рағбатлантирилган.

Қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналарини яшаш жойига қайтариш мақсадида 245 нафар ота, 252 нафар она билан суҳбатлашилиб, 23 та ота, 11 та она яшаш жойига қайтарилган, шундан 22 та ота ва 8 та она иш билан таъминланган.

Бухоро вилояти васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида ота-она қаровисиз қолган 905 та боланинг:



2019 йил 17 октябрь куни Сирдарё вилояти прокурори, 2-сектор раҳбари Равшан Машарипов вилоят болалар уйига бориб, у ердаги шароит ва камчиликлар билан танишиб, кичик гуруҳдаги гўдаклар ҳолидан хабар олди. Муассаса қишга қандай тайёрланаётгани, озиқ-овқат сифати ва таъминоти билан танишди.

JARAYON

БУ МУАССАСА МАХФИЙ ИДОРА ЭМАС

Бизнинг диёрда етим-есирларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, уларнинг бошини силаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Энг қувонарлиси, муассасага ҳомийлар ва саховатли кишилар доимий равишда беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқда. Афсуски, кейинги пайтларда ота-онаси тирик бўла туриб ташлаб кетилган, нафақасиз, тарбиясиз қолдирилган фарзандлар сафи ортиб бормоқда. Болалар уйларидаги шароит ҳар қанча яхши бўлмасин, ота-она меҳрини ҳеч ким бера олмайди. Шунинг учун фарзандини тирик етим қилаётган оталар, ундан воз кечиб кетаётган оналар нақадар оғир гуноҳ қилаётганини англамоқлари лозим.

Р.Машарипов тиббиёт муассасаларининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Р.Йўлдошев ҳамроҳлигида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанаётган беморлар ҳолидан ҳам хабар олди. Тиббиёт марказига бу йил олиб келинган 654 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналардан фойдаланиш жараёни кўздан кечирилди. Аҳоли соғлиғини сақлашга қаратилган тиббий тадбирларни ўз вақтида ўтказиб бориш юзасидан тавсиялар берилди.

Айтиш жоизки, кўп йиллар давомида марказни шундай ускуналар билан таъминлаш чоралари кўрилмагани беморларни даволашда қийинчиликларга сабаб бўлиб келган.

Сирдарё вилояти прокуратураси

FAOLIYAT

ҚОЧОҚ ОТАНИНГ ҚАРЗИ

қариндошлари гарданига тушди

Ота меҳрини ўлчаб ҳам, таърифлаб ҳам бўлмайди. Уни фақат ота бўлгандагина ҳис қилиш мумкин. Бироқ кейинги пайтларда ота бўлиш осон, аммо оталик қилиш қийин деган нақлни бот-бот эслашимизга тўғри келяпти.

Баҳодир САБИРОВ,
МИБ Юнусобод тумани бўлими давлат ижрочиси

Ажралишлар оқибатида фарзандининг таълим-тарбияси ва келажагини сўроқ остига қолдираётган айрим оталар ҳатто моддий таъминотидан ҳам очиқчасига бўйин товлаётгани ачинарли ҳол албатта.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2016 йил 1 августдаги ижро ҳужжатига асосан Жамшид Юсуповдан Эъзоза Аҳмаджоновага бир нафар фарзанди вояга етгунига қадар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг чорак қисми миқдорида алимент ҳамда фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда 130 минг сўмдан қатъий нафақа ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат Мажбурий ижро бюроси Юнусобод туман бўлими иш юритувига келиб тушган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида Ж.Юсупов алиментни ўз вақтида тўлиқ тўламагани сабабли "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 42-1-моддасига мувофиқ унинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган.

Шунингдек, 2018 йил 1 сентябрга қадар унинг қарзи 6 миллион 606 минг 200 сўмга етган, ушбу қарздорлик юзасидан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун Тошкент шаҳар Юнусобод тумани маъмурий судига мурожаат қилинган. Суднинг 2018 йил 20 сентябрдаги қарори билан унга МЖТКнинг 47-4-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Қарздор жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳам алимент пулини тўлиқ тўлашдан бош тортиб келган. Шу сабабли унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Ж.Юсупов белгиланган вақтда суд мажлисига бормагани ва жавобгарликда қочиб юргани сабабли жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2019 йил 5 августдаги ажримига асосан унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Шундан кейин Ж.Юсупов ушланиб, тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган.

2019 йил 1 октябрга қадар тўланмаган алимент 11 миллион 200 минг сўмга етиб, қарздорнинг яқинлари уни тўлиқ тўлаб берди.

Ҳозир жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судида Ж.Юсуповнинг жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилмоқда.

ТУТАЁТГАН ХАЗОН

ёхуд чиқиндиларни ёқишнинг соғлиғимизга зиёни хусусида

Хазонрезги фасли вақтнинг қадрига етиш фурсати келди дея огоҳлантираётган нуронийдек таассурот уйғотади кишида. Оёқларимиз остида ғичирлаб эзилаётган ҳар бир барг бехуда ўтган вақтимиз, қилган гуноҳларимизга гувоҳлик бераётгандек гўё... Ростан бу фасл — сарҳисоб фасли. Бундай фикрлар одатда кузда, олтинранг пояндоз тўшалган боғларда сайр қилганингизда уйғонади.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huquq"

Юртимизда боғ-роғлар, хиёбонлар талайгина. Ишга пиёда бориш мақсадида ёки шунчаки кўча айлансангиз миянгизда "Бу ердан тезроқ қочиш керак!" деган фикр айланиб, сизга тинчлик бермайди. Чунки эрта тонгдан тутаётган хазонлардан кўзингизга ёш келади, нафасингиз бўғилади. Хўш, хазонларни ёқмасликнинг иложи йўқми? Йиғилган барглари қандай йўқотса бўлади?

Аслида табиатда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто чирт этиб ўзилиб тушаётган баргнинг ҳам вазифаси бор. Гарчи у умрини яшаб бўлган бўлса-да, иккинчи вазифасини бажариш учун шохдан ерга тушади. Биламизки, ота-боболаримиз беқиёс миришкор бўлишган. Дарахтлардан тўкилган барглардан чиқинди сифатида фойдаланишган. Куз келгач, ҳашар уюштирилиб, дарахтлар (айниқса токлар) ости кавланиб, йиғилган хас-хашак ана шу ўрага кўмилган. Қиш бўйи чириган барглар тайёр ўғит вазифасини ўтаган. Бу — хазонларни йўқотишнинг фойдали йўли, ҳам эртанги ҳосил учун пухта ҳозирлик, ҳам табиатнинг мувозанатини бузмаслик. Биз эса хазонларни тўдалаймиз-да ҳар хил чиқиндиларни қўшиб ёқиб юборамиз. Бу ўзимизга, экологияга, боғ-роғларимизга зиён етказаётганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Мутахассисларнинг фикрича, хазонларни ёқиш айниқса шаҳар аҳолиси учун хавфли. Чунки ўсимликлар ҳам тирик организм. Улар чанг ва автомобилларнинг тўкилган баргларидан тўйимли озиқ сифатида фойдаланса бўлади. Шаҳримиз маҳаллаларида яшовчиларнинг кўпчилиги чорвачилик билан шуғулланади. Шундай экан, тайёр озиқ турганда бошқа жойдан емиш излаш, тайёр чиринди турганда кимёвий моддаларга пул сарфлаш шартми? Ёқаётган хазонларимиз тутуни кони зиёнлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Хазон тутуни нафас олиш органлари, кўз, тери, бронхиал астма ва бошқа аллергик касалликларни келтириб чиқаради.

Инсонни табиатдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шу туфайли биз истаймизми-йўқми, табиат бизга таъсир ўтказиши шубҳасиз. Ўз навбатида инсон ҳам унга таъсир ўтказиб боради. Аммо бу таъсир зуғумга айланмаслиги лозим.

Қуръони каримнинг "Фурқон" сураси(2-оят)да "Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди" дейилади. Бошқача қилиб айтганда, биосферадаги ҳар бир нарса — сув, тупроқ, ҳаво, тоғ, ҳайвонот, набототт муайян ўлчов билан бир-бирига боғлиқ, яъни мутаносиб ҳолда яратилган. Агар бу мувозанат бузиладиган бўлса, инсоният учун қатор муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло инсонга табиатни асраб-авайлашни, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишни буюради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги қарори билан давлат даромадига ўтказилган мол-мулклар сотилишини таъминлашда маҳаллий ҳокимият органлари бозор ва савдо мажмуаларида савдо ўринлари ҳамда ярмаркалар ташкил этиш орқали савдо ташкилотларига кўмаклашиши белгиланган.

АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Раҳматилла АЗИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг ташаббуси билан бюронинг туман-шаҳар бўлимлари ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳафтанинг дам олиш кунлари арзонлаштирилган товарлар савдо ярмаркалари ташкил этилган.

Ярмаркаларда республика миқёсида жами 314 та ижро ҳужжати бўйича 804,3 миллион сўмлик товарлар сотилиб, сотувдан тушган пуллар тегишли тартибда давлат фойдасига ўтказилган.

Мажбурий ижро бюроси органлари республикамизнинг барча ҳудудларида эркин савдо ярмаркаларини ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг 12 октябрь куни МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ҳудудий иш юритувидаги ижро ҳужжатлари асосида давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни реализация қилиш учун "Фарҳод" деҳқон бозорида савдо ярмаркалари ташкил этилди.

МИБ Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳамда туман-шаҳар бўлимлари иш юритувида савдо ташкилотлари орқали реализация қилинадиган 292 та ижро ҳужжати бўйича 31,2 миллиард сўмлик товарлар қолдиғи мавжуд. Мазкур давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларни реализация қилиш чоралари кўрилиб, жойларда савдо ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Термиз шаҳар марказий озиқ-овқат, "Денов бободеҳқон бозори" МЧЖ кириш жойида ва Узун туман марказида жойлашган савдо марказларида ярмаркалар ташкил этилди. Уларда фуқаролар ўзларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни арзон ва қулай нархларда харид қилишди.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулклар савдо ярмаркасида бир кунда жами 13 миллион 800 минг сўмлик товарлар сотилди.

Мазкур савдо ярмаркаларини ташкиллаштиришдан мақсад Мажбурий ижро бюроси органлари ташаббуси билан давлат даромадига ўтказилган товарларни реализация қилиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда давлат бюджетига тушумни оширишдир.

Фуқароларимиз ушбу савдо ярмаркаларидан мамнун эканликларини билдиришмоқда.

«КЎРИНМАС» ЖИНОЯТ ҚУТҚУСИ

ИНСОНИЯТ ЯРАЛИБДИКИ, МУАММОЛАР ГИРДОБИДА ЯШАЙДИ. УРУШЛАР, ТАБИИЙ ОФАТЛАР, ТУРЛИ БЕДАВО КАСАЛЛИКЛАР... ХХ АСР ОХИРИГА КЕЛИБ УЛАР САФИГА ТЕРРОРИЗМ, НАРКОБИЗНЕС ВА ОДАМ САВДОСИ КАБИ МУАММОЛАР ҲАМ ҚЎШИЛДИ.

Жасур ТУРСУНОВ,
Миришкор тумани прокурори

Одам савдоси кейинги йилларда XXI асрнинг глобал муаммоси сифатида тилга олинмоқда. Бу иллатнинг олдини олиш, унга қарши курашиш учун махсус ташкилотлар, тизимлар яратилмоқда.

Дунёда одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар сўнгги йилларга келиб авж олди. БМТ ва миграция бўйича халқаро ташкилотнинг маълумотлари шундан дарак бермоқда.

Республикамизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилаяпти. 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу жирканч иллатга қарши курашиш ва ундан жабрланганларни ҳимоялаш борасида муҳим асос бўлди.

Одам савдосида ёшлар анча "харидоргир товар" ҳисобланади.

Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бу йўналишда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга. "Латент" сўзи лотинчадан таржима қилинганда "яширин", "кўринмас", "сезилмас" маъноларини англатади. Латент жиноятлар деганда содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат идораларига хабар қилинмаган жиноятлар тушунилади. Одам савдоси қурбонлари уларга жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказилгани ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёхуд қонунга хилоф равишда чет элга чиққани фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга мурожаат этмайди. Бу эса жиноятчиларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ва фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Италиялик экспертларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда дунёда одам савдоси тўрт баробар кўпайган. Европол маълумотларига қараганда ҳар йили 700 мингдан 2 миллион нафаргача кишининг ҳуқуқи бузилмоқда, 200 мингдан 500 минг нафаргача инсон сотиб юборилаяпти. Афсуски, одам савдоси тўрига асосан ёшлар тушиб қолмоқда, чунки улар анча "харидоргир товар" ҳисобланади. Қабиҳ ниятли кишилар кўп ҳолларда ота-она, қариндош-уруғнинг гапига кирмаётган "бебош" фарзандларни ўлжага айлантиришади.



Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши кўплаб ишлар қилинаяпти. Бироқ бу иллат ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда.

Ўзбекистон фуқароси бўлган, айни пайтда Россияда яшаб келаётган Шарифа Исомова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пул топишнинг жирканч усулини танлади. У таниши Холис Жўраевага қўнғироқ қилиб, фоҳишалик қилиш учун қизларни жўнатишини, бундан унга ҳам улуш беришини айтади.

2019 йилнинг июнь ойида Х.Жўраева Тошкентда Нигора Ғаниевани қармоғига илинтиради. Унга Россияга ишлашга юборишини, у ерда ойига 1000 АҚШ доллари ишлаб топиши

Ҳулкар МАНСУРОВА,
Тошкент авиация транспорт прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи


мумкинлигини, йўл харажатларини таниши Шарифа Исомова қоплашини, олдиндан 50 доллар пул ҳам беришини айтиб қизиқтиради. Мўмай пулнинг дарагини эшитган Нигора Ғаниевага бу таклиф маъқул тушади. Шундан сўнг Холис Жўраева Н.Ғаниевага Тошкент — Москва йўналишидаги авиарейсга чипта сотиб олиб, уни аэропортга кузатиб қўяди. Аэропортда Н.Ғаниева Тошкент шаҳар аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимлари томонидан ушланади.

Юқоридаги ҳолатдан хулоса чиқармаган Ш.Исомова ва Х.Жўраева жиноий ҳаракатларини яна давом эттиради. Бу гал Холис Зарина Рашидова ва Фарида Йўлдошевани йўлдан уради. Унинг бу таклифига ишонган қизлар дарров рози бўлишади. Бироқ бир неча кундан кейин қизларнинг кўнглига ғулғула тушиб, Россияга бориш фикридан қайтишади. Ш.Исомова улардан бир неча бор паспорт нусхасини сўраса-да унга беришмайди. Шундай қилиб жиноятчиларнинг навбатдаги жиноий режаси ҳам чиппакка чиқади...

Гарчи ҳамтовоқларнинг жирканч режаси амалга ошмаган бўлса-да, жиноятга жазо муқаррар. Суд ҳукми билан айбдорларнинг иккови ҳам жазога тортилди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг 9 ойида 31,6 млрд долларни ташкил этди.

ГУВОҲЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ



Ҳар бир мамлакатда қонунийлик ҳамда ҳуқуқ устуворлиги одил судлов қандай амалга оширилиши билан баҳоланади. Одил судлов адолатли қарор чиқаришдан иборат. Судларнинг адолатли қарор чиқариши эса процесс иштирокчиларининг содир бўлган воқеани тўлиқ ва тўғри баён этишига боғлиқ. Амалиётда баъзан одил судловга тўсқинлик қилиш мақсадида иштирокчиларга тазйиқ ўтказилади. Лекин шу кунга қадар Ўзбекистонда жиноят процессининг айрим иштирокчиларини ҳимоя қилиш алоҳида қонун билан тартибга солинмаган эди.

Фахри РАҲИМОВ,
Бош прокуратура академияси доценти, ю.ф.д.

Ўзбекистонда биринчи марта 2019 йил 14 январда "Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун жиноят процесси иштирокчиларига ҳуқуқий ёрдам беришни назарда тутувчи қонунлар ва нормалардан фарқ қилади. Яъни, у жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг (қонунда ҳимоя қилинувчи шахслар деб ҳам юритилган) ҳаёти, соғлиғи ва мулкига таҳдид бўлганда қўлланадиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига оладиган тадбирлар тизимини, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини белгилайди.

Бунга қадар эса жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш масалалари амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солиб келинган.

Жумладан, ЖПКнинг 19-моддаси 3-қисмига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек уларнинг оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

ЖПКнинг 32-бобида ҳам процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик тартибга солинган.

Хусусан, ЖПКнинг 270-моддасида жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд унга шикаст етказиш билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаб жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шартлиги белгиланган.

Унга кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мулкини муҳофаза қилиш хусусида ёзма топшириқ беришга ҳақлидир.

> *Шахсни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам тўлиғича давлатнинг гарданида.*

Бу каби ҳолатларда ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган шахсларга доир жиноят ишидаги маълумотлардан, бу хавфнинг хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим.

Қонун жиноят процессининг бир неча тоифадаги иштирокчиларини ҳимоя қилишни назарда тутади. Шундан биринчи тоифадаги шахслар қонуннинг 4-моддасида белгиланган. Улар: жабрланувчи ва унинг қонуний вакили, гувоҳ, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон ва холис. Ёлғон гувоҳлик бериш, кўрсатмасини бузиб кўрсатишга ундаш учун жиноят процесси иштирокчиларининг оила аъзолари ва яқин қариндошларига нисбатан ҳам тазйиқ ўтказилиши мумкин. Шу боис қонунда ҳимоя қилинувчи шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар тоифасига киритилган.

Қонуннинг аҳамиятини унинг процесс иштирокчилари, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига, жиноят иши қўзғатилгунига қадар аризачига, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланишида кўриш мумкин.

Ҳимоя қилинувчига зарар етказилишининг олди олиниши иш бўйича адолатли қарор чиқаришга замин бўлади.

Ички ишлар ёки Давлат хавфсизлик хизмати органларининг юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича хавфсизлик чоралари бевосита шу органларнинг ўзлари томонидан таъминланади.

Суд ёки прокуратуранинг юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича хавфсизлик чоралари ҳимоя қилинувчи шахслар жойлашган ердаги ички ишлар органлари томонидан суднинг ёки прокурорнинг қарорига биноан таъминланади.

Қамоқда ёки жазони ўташ жойларида сақланаётган ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан қўшимча хавфсизлик чоралари ҳам қўлланиши мумкин. Яъни:

1) ҳимоя қилинувчи шахсни ва зўравонлик таҳдидини келтириб чиқарувчи шахсни улар ушлаб турилганда, қамоққа олинганда ва уларга нисбатан жиноий жазолар тайинланганда бошқа-бошқа қамоқда сақлаш ва жазони ўташ жойларига юбориш;

2) ҳимоя қилинувчи шахсни ёки зўравонни бир қамоқда сақлаш жойидан ва жазони ўташ жойидан бошқасига ўтказиш;

3) ҳимоя қилинувчи шахсни ва зўравонни алоҳида-алоҳида сақлаш;

4) ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш.

Ушбу қўшимча чоралар шахсни тўлиқ ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Таъкидлаш лозимки, ҳимоя қилинувчи шахсга етказилган моддий зарар давлат томонидан қопланиши белгиланган. Масалан, қонуннинг 15-моддасида қайд этилишича, ҳимоя қилинувчи шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ҳалок бўлган тақдирда, унинг оила аъзоларига ва қарамоғидаги шахсларга ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор чиқарган органнинг қарорига кўра давлат бюджети ҳисобидан бирйўла бериладиган нафақа тўланади ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Шунингдек, шахсни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам тўлиғича давлатнинг гарданида. Ҳимоя қилинувчи шахс бошқа жойга кўчирилганда унга давлат ҳисобидан уй берилади, кўчиб ўтиш билан боғлиқ харажатлари қопланади, моддий ёрдам кўрсатилади, ишга жойлаштирилиши кафолатланади ва аввалгисига ўхшаш иш ёки ўқиш жойини танлашда ёрдам кўрсатилади.

Давлат одил судловни тўлиқ амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун ушбу қонунни қабул қилди. Бу эса суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

JINOYAT VA JAZO

РИЭЛТОР ЎЙНАГАН ЎЙИН

Мамлакатимизда фирибгарлик, яъни алдаш, ҳийла-найранг ишлатиш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали бировнинг мулкини эгаллаш ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш каби жиноятлар бироз кўпайди.

Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра бу қилмиш учун етказилган зарар миқдорига, у кимлар томонидан, қандай мақсад ва ҳолатларда, нималардан фойдаланиб содир этилганига қараб қонуний чора кўрилади. Айбдорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан тортиб олти юз бараваригача миқдорда жарима, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш, бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади.

Айрим кишилар шуни билиб туриб шу каби жиноятларни содир этаяпти. Оқибатда эса оиласи, қариндошлари шаънига ҳам иснод келтириб, уларнинг эл-юрт олдида бош кўтариб юролмаслигига сабабчи бўлишмоқда. Тошкентлик Жавлон Рафиқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ҳалол пул топиш ўрнига бировнинг мулкини осонгина қўлга киритишни мақсад қилади. У ўзини фуқароларга риэлтор сифатида таништириб, бизнес қилиш учун ер, уй сотиб олмоқчи бўлганларга эса кўп қаватли уйлардан хонадон таклиф қилиб, ўртада пул ишлаб юрарди. Топаётган пули камлик қилди шекилли, каттароқ "луқма"ни қўлга киритишни кўзлайди. Таниш-билишлари орасида Зангиота туманининг Ўзгариш қишлоғида сотиладиган бир гектардан ошиқ ер борлиги ҳақида гап тарқатади. У айтаётган ер шундоққина пойтахтнинг ёнида бўлгани учун унга дарҳол мижоз топилди. Тадбиркор Муроджон Алижонов фаолиятини кенгайтириш учун ер қидириб юрган эди. Ж.Рафиқов тарқатган "янгилик" М.Алижоновга ҳам етиб борди. У сотиладиган ерни

> *"Мижоз"ни қўлдан чиқаришни истамаган фирибгар шеригини ишга солди.*

кўриш мақсадида Жавлонни топди. Тошкент ҳалқа йўлининг бўйида жойлашган бу ер аслида Зангиота туман ҳокимлиги томонидан "I dol mebel" корхонасига ажратиб берилган бўлиб, Ж.Рафиқовнинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Хуллас, тадбиркор М.Алижоновга ер маъқул келиб, сотиб оладиган бўлди. Жавлон ернинг ҳар сўтихи учун 4 минг АҚШ долларидан, яъни, 1,35 гектар ер учун 540 минг доллар беришини айтганида, М.Алижонов бир сесканиб тушди. Унинг бу ҳолатини кўрган Ж.Рафиқов, "ака, хавотир олманг, ҳаммаси қонуний, ерга туман ҳокимининг қарорини чиқартириб бериш ҳам шунинг ичида бўлади" деди. Унинг гапларига шубҳа билан жавоб қайтараётган тадбиркорнинг ишончини қозониш учун Ж.Рафиқов яна бир найранг ишлатади. Кейинги режаси учун "New Realtor" МЧЖда риэлтор бўлиб ишлаётган Дилноза Умарована жалб қилади. М.Алижоновни унинг ёнига олиб боради ва ер сотувга қўйилгани ҳақидаги сохта ҳужжатларни кўрсатади. Олдиндан пулнинг ўн фоизини берса, ерни унинг номига расмийлаштиришга киришишини айтади. Унинг гаплари М.Алижоновни шубҳалантиравергани учун ушбу ер ҳақида сўраб-суриштириб, керакли ахборот олади. Шундан сўнг у икки фирибгарнинг найранги ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

Шавқиддин ЖУМАЕВ,
Департаментнинг Яккасарой тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

Департаментнинг Яккасарой туман бўлими ходимлари ўтказган тадбирда Ж.Рафиқов ҳамда Д.Умарова фирибгарлик қилиб, тадбиркордан 50 минг долларни олган пайтида қўлга олинди.

Мазкур ҳолатни холисона кўрган суд ҳукм чиқарди. Унга кўра Ж.Рафиқов ҳамда Д.Умаровага жарима жазоси тайинланди.

Пенсия ҳақида тўлиқ маълумот берувчи янги интерактив давлат хизмати ишга туширилди.

ИЛМ ТАНИТАДИ, БЕМАЪНИЛИК ЭМАС



Мактаб. Қўнғироқ чалиниб, синфхонага фан ўқитувчиси кириб келди. У ўқувчилар билан саломлашиб, доскага мавзуни ёзди: "Насафийларни биласизми?". Шу пайт ўзлаштириши паст бир ўқувчи ҳаммадан аввал қўл кўтарди. Бундан ҳам қувонган, ҳам ҳайратланган устоз шогирдининг жавобидан тепа сочи тикка бўлди.

— Шуниям билмайсизми, устоз? Насафий анави интернетда машҳур бўлган артист-ку, — деди билмасвой биринчи марта биринчилардан бўлиб ўқитувчининг саволига жавоб топганидан мағрурланиб.

Муаллим жаҳли чиққанини билинтирмай сўзида давом этди:

— Мен бугун бежиз доскага бу мавзуни ёзмадим. Ораларингда кимдир албатта шундай жавоб беришини билгандим. Чунки сизлар Насафий ким деса илми туфайли машҳурликка эришган аждодларимизни эмас, интернетда беўхшов қиликлари билан танилган ўша болани танийсизлар.

Хўш, бунга нима дейсиз? Ҳозирги ёш авлод "Насафий ким?" деган саволга бояги ўқувчи каби жавоб бермаслигига ким кафил бўла олади? Имоним комилки, ҳеч ким. Чунки бугун ҳали алифни танимаган болалар ҳам телефонни, интернетни сизу биздан яхшироқ тушунади. Керак бўлса, бизга дарс беришади. Ижтимоий тармоқларда тарқалган ҳар қандай хабар, аудио ёки видеони одатда мулоҳаза элагидан ўтказмай, тўғридан-тўғри қабул қилишади.

Ўз навбатида ёшлар катта авлодга қараб: "Ўзингиз ҳам Насафийларни зўр биласизми?" дея иддао қилиши мумкин. Тан олиш керак, ҳамма ҳам Насафийлар ҳақида маълумотларга эга эмас. Аммо Насафий деганда кўз олдида она заминимиздан етишиб чиққан олиму уламолар гавдаланган шу пайтгача. Энди-чи?..

Маълумки, Насафий номи бевосита Қашқадарё вилояти, айниқса, Қарши шаҳри билан боғлиқ. Бу заминдан жуда кўп олимлар, фақиҳлар етишиб чиққан.

Яқинда ўзини дунёга танитмоқ истагида ёнаётган (ҳар ҳолда телевидение орқали чиқиш қилганида ўзи шундай мазмунда гап қилди — М.Қ), юқоридаги мисолимизда келтирилган замонамиз Насафийи пайдо бўлди. Фақат унинг йўли бошқа — ота-боболари каби аллома эмас, қўшиқчи.

Санъат усталигига даъво қилаётган укамизнинг "ижоди" кўп муҳокама қилинди. Шунинг учун унинг "санъати"га ортиқча тўхталиб ўтиш ўринсиз. Бироқ ҳаммасидан ошиб тушгани ўзига ўтмишимизнинг буюк алломалари номи билан боғлиқ Насафий тахаллусини танлагани бўлди. Энди бу кичкина муаммо эмас, у бу иши билан аллома аждодларимиз руҳини безовта қилмаяптими?

Нозимжон Иминжонов,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходими:

Бугун қаерга бормайлик, "Насафий юртиданман" десак, кишиларнинг хаёлига Абулбаракот Насафий, Абу Муин Насафий, Умар Насафий каби алломалар келади. Хўш, уларни бутун дунё аҳолиси танишининг, бутун оламда шуҳрат қозонганининг боиси нима? Бунинг сабаби шуки, уларнинг барчаси етук мусулмон олими бўлиш билан бирга ақида, тафсир, ҳадис, фиқҳ, усул борасида ўта муҳим асарлар ёзиб қолдиришган. Ҳа, инсоннинг танилиши, ҳамма уни ҳурмат қилиши айнан илм туфайли бўлади.

Шу ўринда ўша машҳур Насафийларнинг учтаси билан қисқача танишсак.

Абу Муин Насафий — Имом Мотуридий раҳимаҳуллоҳдан сўнг мотуридийлик йўналишининг энг забардаст алломаларидан бўлиб, айнан ақида илмида самарали ижод этган ва мотуридийлик йўналишини ҳимоя қилган. Ашъарийлик ақидавий йўналишида Имом Боқиллоний, Имом Ғаззолий қандай даражада бўлса, Абу Муин Насафий мотуридийлик ақидавий йўналишида худди шундай даражада бўлган. У кишини баъзи олимлар ҳижрий 418 йилда туғилган деса, баъзилар 438 ҳижрий санада туғилиб, 508 ҳижрий санада вафот этган, ёши етмишда эди дейишади.

Аллома "Табсиротул адилла фий усулид дийн", "Ат-Тамҳийд лиқоваъид ат-Тавҳийд", "Баҳрул калом фий илмит тавҳийд", "Маноҳижил аимма фил фуруъ", "Шарҳул Жомеъул кабийр лиш-Шайбоний фий фуруъил Ҳанафийя" каби ўта муҳим асарлар ёзиб, ўша даврдаги хаворижлик, мўътазилийлик, муржиъийлик каби ақидавий оқимларга раддиялар берган. Уламолар у киши ҳақида "имом, зоҳид, усулни жамлаган олим" деб мақташган.

> *Қаерга бормайлик, "Насафий юртиданман" десак, кишиларнинг хаёлига буюк алломалар келар эди...*

Нажмиддин Умар Насафий — ҳижрий 461-537, милодий 1068-1142 йилларда яшаб ўтган, ҳанафий мазҳабининг етук алломаси, ақида бўйича забардаст олим бўлиб, "Муфтис сақолайн", яъни "Инсонлар ва жинларнинг муфтийси" лақабини олган. Бу киши юқорида зикр қилинган машҳур Абу Муин Насафий раҳимаҳуллоҳнинг етук шогирдларидан бўлади. Тарихчиларнинг айтишича, Нажмиддин Умар Насафий раҳимаҳуллоҳ юзга яқин асар ёзган. Шулардан бири "Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд" китобидир. Аллома бу китобида мингдан ортиқ самарқандлик олимнинг таржимаи ҳолини берган. Тафсир борасида "Ал-Акмалу ал-атвал" номли тўрт жилдлик асар ва "Ат-Тайсийр фит тафсийр" китобини, ҳанафий мазҳабига оид фиқҳий китобларда учрайдиган истилоҳлар, лафзларнинг изоҳи ва шарҳига оид "Тилбатут толаба", тавҳид, ақидага оид "Ал-Ақоид ан-Насафийя" китобини, ҳанафий фиқҳига оид "Назмул Жомеъус сағийр" китобини ёзган. Бу асарлари ичида энг машҳури ақидага оид "Ал-Ақоид ан-Насафийя" китоби ва унга Саъдуддин Тафтазоний раҳимаҳуллоҳ ёзган шарҳдир. Нажмиддин Умар Насафий раҳимаҳуллоҳ машҳур фақиҳ, ҳамюртимиз Бурҳониддин Марғиноний раҳимаҳуллоҳнинг устози ҳисобланади.

Абулбаракот Ҳофизиддин Насафий — ҳанафий мазҳабининг 1240-1310 йилларда яшаб ўтган етук фақиҳи бўлиб, кейинги давр уламоларининг зоҳидларидан, илмига амал қилувчиларидан бўлган. У киши илми кўп, ҳайбатли, фиқҳ ва усулда пешқадам, ҳадисда етук аллома ҳисобланади. Тарихчилар "Ўз замонида у кишидек илмлиси ва пешқадами бўлмаган" дейишади. У киши сўфийликка (тасаввуфга) ҳам мансуб эди. Аллома, шунингдек, тафсир илми борасида ҳам жуда пешқадам бўлган. Олимнинг дунёга машҳур тафсири "Мадорик ут-Танзийл ва ҳақоиқ ут-таъвийл"дир. Бу китоб Имом Замахшарийнинг "Ал-Кашшоф" ва Имом Байзовий раҳимаҳуллоҳнинг "Тафсири Байзовий" китобларининг мухтасар шаклидир. Абулбаракот Насафий раҳимаҳуллоҳнинг тафсирларидан ташқари "Умдату ақийдати Аҳлис сунна вал жамоа", "Кашфул асрор", "Канзуд дақоиқ" каби китоблари бизгача етиб келган.


Бундан ташқари юртимизда Абдуллоҳ ибн Али Насафий, Абулюср Муҳаммад ибн Муҳаммад Насафий каби олимлар ҳам яшаб, ижод этишган. Булардан бошқа Насафий тахаллуси билан ижод қилган олимлар ҳам кўп.

Эътибор берсак, барча Насафий тахаллусидаги кишилар илм туфайли машҳур бўлишган ва номлари бизгача етиб келган. Бутун дунёда ҳам Насафий деганда ана шу улуғ инсонлар тушунилади. Шу пайтгача биз Насафийларнинг авлодимиз деганда айнан мазкур алломаларимизни назарда тутганмиз.

Юртошимиз ташаббуси билан Қарши шаҳри яқинида Абу Муин Насафий раҳимаҳуллоҳ мақбараси обод қилиниб, зиёратгоҳ ёнида "Ақида илми мактаби" ташкил этилди. Бундан мақсад Имом Насафий раҳимаҳуллоҳнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиб, таржима қилиб, халқимизга тақдим этиш, турли ёт ғоя тарафдорларига қарши қувватли далиллар билан раддиялар билдириш, бу борада олимнинг асарларидан истифода олишдир. Ҳа, юртимизда улуғ алломаларимизга ана шундай катта эътибор қаратилаяпти.

Афсуски, ғарбга тақлид қилиб кийинган, устибоши, афт-ангори беўхшов бўлган қашқадарёлик кимса ўзига "Насафий" деб тахаллус қўйиб олиб, эркак кишига ярашмайдиган қиликлар қилиб юрибди. Бу юқорида зикр қилинган уламоларимизга нисбатан ўта одобсизлик, беҳурматликдир. Насафий деганда инсонлар хаёлига улуғ алломалар келишини била туриб, ўзининг курақда турмайдиган ишларига шу номни қўйиб олиш аҳмоқлик, бефаросатлик, буюк халқ тарихига оёқ қўйиш, уламоларни менсимасликдир.

Ҳозирча биз масаланинг бир томонига эътибор қаратдик. Энди тасаввур қилинг, чет эллик фуқаро ўзбек диёридан чиққан буюк алломаларимиз билан қизиқиб интернетга "Насафий" дея қидирув берса, биринчилардан бўлиб ким чиқиб келишини биласизми? Ҳа, ўша йигит чиқади. Ишонмасангиз марҳамат, интернетга кириб кўринг. Истасангиз, ишингизни осонлаштиришимиз мумкин. Мана бу сурат "yandex" қидирув тизимидан олинган.



Кўраяпсизми, қидирув тизими орқали "Насафий" сўзини ёзган эдик, экраннинг чап тарафида тиржайиб ўша йигит ва унинг клиплари пайдо бўлди. Ўнг тарафда эса Нажмиддин Умар Насафий бобомиз ҳақидаги қисқа маълумот кўринади. Кўриб турганингиздек, у ерда аждодимиз "Аббасидский юрист", яъни ҳуқуқшунос сифатида таърифланган. Шу жойда алломанинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар тепа сочимизни тикка қилди *(туғилган ва вафот этган йили ҳақидаги маълумотлар алоҳида белгиланади)*. Демак, бобомиз Эроннинг Қарши шаҳрида туғилиб, Эроннинг Самарқанд вилоятида вафот этган экан. Ажабо!.. Хўш, шундан кейин ҳам интернет ишончли манба эканига кафолат бера оласизми?..

Дарҳақиқат, бугун интернет ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Уйда, кўчада, ишда интернет соямиздек биз билан бирга. Фақат бундан тўғри фойдаланишимиз лозим. Қашқадарёлик қаҳрамонимиз ҳам эл назарига тушиш учун айнан шу воситадан фойдаланди. Чунки бу маконда ҳеч қандай тартибқоида, чеклов йўқ. Бироқ жавобгарлик масаласи ҳақида жиддий бош қотирмасак бўлмайди. Тўғри, интернетни бошқара олмаймиз. Аммо у орқали қўшиқчи укамиз каби ёшларимизнинг истаган ишни қилишига, миллатнинг шаънини, буюк аждодларимизнинг хотирасини ва азалий қадриятларимизни оёқости қилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир гап, халқимизда "Кўлнинг отини балиғи чиқарар" деган мақол бор. Ана қаранг, яқинда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида йигитларимиз дунёда тенгсиз эканлигини кўрсатиб, мамлакатимиз шарафини юксакларга кўтаришди. Насафийга ўхшаган ёшларимиз улардан ўрнак олишини истаймиз.

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг 19 октябрдаги қарори билан қайта молиялаш ставкаси йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.

ЁШЛАР ВА ТЕЛЕФОН: МУАММОМИ ЁКИ ОДАТ?



Дилрабо КУРЯЗОВА,
журналист

Бугунги кунда ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. У қулай алоқа воситаси бўлиш билан бирга, кўпгина вазифаларни ҳам бажаради. Қўшиқ эшитиш, кино кўриш, ўйин ўйнаш, электрон китобларни ўқиш, суратга олиш, овозни ёзиб олиш мумкин, ҳатто телефон орқали пластик картамиздан бирон керакли жойга пул ўтказиш имкони ҳам бор. Шунингдек, интернетга уланиб, дунёнинг исталган жойидаги воқеалардан воқиф бўласиз. Бир сўз билан айтганда, мобиль телефон исталган жойда мулоқот қилиш имконини яратди. Доим ёнимизда олиб юришимиз мумкинлиги унинг қадрини оширди.

Лекин сўнгги пайтларда ёшларнинг телефондан керагидан ортиқ фойдаланаётганини кўраяпмиз. Жамоат жойларида, транспортда, бозорда, кўча-кўйда, ҳатто таълим муассасаларида ҳам ёшлар телефонда гаплашиш, тинмай смс ёзиш, қўшиқ тинглаш билан овора... Мазкур ҳолат бутун дунёда долзарб муаммога айланмоқда. Таҳлилларга кўра дунё бўйича икки ярим миллиард инсон мобиль телефонни ҳеч қўлидан қўймас экан. Бу мобиль телефон аллақачон ижтимоий ҳодисага айланганидан далолатдир. Улар орасида мактаб, ҳатто боғча ёшидаги болалар ҳам борлиги хавотирланишга арзийди.

— Яқинда шаҳарга бориш учун Янгибозор — Урганч йўналишидаги автобусга чиқдим. Бўш ўриндиққа ўтириб атрофга кўз югуртирсам, салонда ўтирган ўнга яқин ёшнинг саккизтаси телефони билан банд. Энг ёмони, навбатдаги бекатдан бир қиз чиқиб, ёнимдаги ўриндиққа ўтирди. Йўлда унинг телефони қулоғидан тушмади, оғзи ҳам тинмади. Дугонаси билан ярим соат гаплашди. Тилга олган мавзу доираси "кенг": ғийбатдан тортиб, бугун тушликда нима егани, кечаси соат нечада ётишигача. Бировнинг гапига қулоқ солиш одобдан эмас, унинг сўзларини эшитмаслик чорасини тополмадим. Жамоат транспортидаги бундай ҳолатни кўриб мобиль телефонлар фойдадан кўра кўпроқ фарзандларимиз тарбиясининг зарарига хизмат қилаётганидан афсусландим, — дейди пенсиядаги ўқитувчи Муҳаббат Шарипова.

Ҳамма ҳам мазкур алоқа воситасидан керагидан ортиқ фойдаланиш орқали ўз саломатлигига зиён етишини вақтида англаб етмайди. Ушбу «овунчоқ» тарқатадиган радиация инсонга зарар етказишини тиббиётчилар аллақачон исботлаган. Радиация айниқса ёш болалар миясига салбий таъсир кўрсатиб, нормал ўсиш жараёнини издан чиқаради, яъни суяклар ўсишдан тўхташи, ўсимталар пайдо бўлиши, хотира сусайиши, иммунитет тушиб кетиши мумкин. Лейкемия, катаракта, мия ўсмасини келтириб чиқаради, томир ва асаб тизими фаолиятини бузади. Қолаверса, узлуксиз наушникда тинглаш эшитиш қобилиятининг сусайишига, кўп ўйнаш эса кўз равшанлигининг пасайишига, асабийликка олиб келади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Мобиль телефонига ҳаддан ташқари берилган ўқувчилар дарсларни ўзлаштира олмаслиги, уйга берилган вазифаларни бажармаслиги, билим олишга қизиқиши сусайиши табиий. Кўп давлатларда ҳукумат бунинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Масалан, Испания, Франция ва Англияда болалар мобиль телефондан фойдаланишида чеклов ўрнатилган, Бангладешда эса ўн олти ёшга тўлмаган болаларнинг мобиль телефондан фойдаланиши бутунлай тақиқланган. Мамлакатимизда ҳам 2012 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-қарори қабул қилинган бўлиб, унда таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мобиль телефондан фойдаланиш тартиби белгилаб берилган.

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланиш тўғрисидаги низомнинг 7-бандида таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар (сафланиш, тарбиявий соатлар, байрам, спорт тадбирлари) бошланишидан олдин ўқувчилар телефонини ўчириб қўйиши ва сумкасига солиб қўйиши шартлиги белгиланган. Низомнинг 8-бандига мувофиқ ўқув машғулотлари вақтида таълим олувчиларга телефондан фойдаланиш қатъиян тақиқланган. Фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ота-онаси, яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан боғланиш мақсадида телефондан фойдаланишига рухсат этилади. Низом талаблари бузилган тақдирда таълим муассасасининг ҳар қандай педагог ходими таълим олувчидан телефонни олиб қўйиш, ушбу низомни бузгани тўғрисида билдиришнома расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг директорига (ёки факультет деканига) ёки унинг ўринбосарига бериш ҳуқуқига эга.

— Мазкур низомнинг ижроси юзасидан вилоятимиздаги 528 та мактабда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда, — дейди Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Тиллаев. — Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига кўра тартибни бузган ўқувчи мактаб раҳбарияти ёки педагоглар томонидан икки марта огоҳлантирилади. Учинчи ёки иккинчи марта қўпол тарзда қоидага риоя қилмаган ўқувчининг телефони икки ўқитувчи ва ўқувчи гувоҳлигида олиб қўйилади. Ота-она мактабга чақирилиб, чора кўрилганидан сўнггина телефон эгасига қайтарилади. Айтиш керакки, телефондан фойдаланиш борасидаги чекловлар мактаб ўқувчиларининг, умуман ёшларимизнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига зид келмайди.

Биз бугун мобиль телефонни умуман рад қилиш ҳақида эмас, балки ундан оқилона фойдаланган ҳолда зараридан сақланиш тўғрисида сўз юритдик. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган нақл бор. Бизнинг ўзимиз телефондан фойдаланишда фарзандларимизга ўрнак бўлишимиз лозим.

НИЗОМУЛМУЛК ҚОЗИЛАР ҲАҚИДА

Низомулмулк асрлар давомида одамларни адолатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келаётган "Сиёсатнома" асарининг муаллифидир.

Луқмон АСАТОВ,
Пастдарғом тумани иқтисодий суди раиси

"Сиёсатнома" бой мазмунга эга асар бўлиб, унда қози ва қозихона ишлари ҳақида ҳам фикрлар баён қилинган. Аҳамиятлиси, асарда қозилик маснадида ўтирган кишилар ҳақида кўплаб ибратли маслаҳат ва қоидалар ёзилган.

Асарда айтилишича, мамлакат қозилик мансабида бўлган кишиларнинг аҳволини тўла-тўкис билиши зарур, улардан қайсилари олиму зоҳид, камбағал, аммо камтама бўлса, тарбия қилиб, шулар билан иш юритиши керак. Агар шундай бўлмаса, уларни ишдан олиб, ўрнига бошқа лойиқ кишиларни қўядилар.

Чиндан ҳам қози тамасиз, кўзи тўқ, маърифатли, диёнатли бўлмоғи жоиз. Аксинча, тамагир, маърифати ноқис бўлган киши адолатли қози бўлиб ишлаши қийин.

Таъкидлаш зарурки, "Сиёсатнома"да давлат томонидан қозиларнинг ҳар бирига зарур даражада иш ҳақи берилиши баён қилиниб, оқибатда қозиларнинг хиёнат қилишига ҳожат қолмаслиги кераклиги қайд этилган. Чунки қозилик жуда ҳам нозик иш бўлиб, у мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари устидан ҳукм чиқарадиган кишидир.

Асардаги яна бир диққатга лойиқ жиҳат шундаки, унда қозилик амалини жоҳил ва нопок кишиларга ишониб бўлмаслиги таъкидланган.

Низомулмулкнинг юқоридаги фикридан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, қозилик мансаби юки оғир, масъулияти жуда катта бўлиб, бу вазифани ҳамма ҳам рисоладагидай, ҳалол, виждонан бажара олмайди.

Асарда бирор-бир қози жаҳл устида ва зулм билан ҳукм чиқарса, бу ҳақда подшоҳга маълум қилиб, уни қозилик вазифасидан озод этиб, жазолаш кераклиги баён қилинган. Зеро, қози ноҳақ ҳукм чиқарса, бундан халқ жабр кўради.

"Сиёсатнома" асарида қайд этилганидек, агар бирор киши шариат ҳокими мажлисига боришни истамаса, уни мажбуран олиб келиш керак, чунки ҳақиқат аён бўлиши ва ҳеч ким ҳукмдан бош тортмаслиги шарт.

Низомулмулкнинг яна бир фикри эътиборга сазовордир. Бу ғоя шундан иборатки, ҳамма қозилар подшоҳнинг ноиби, подшоҳ мамлакат қозиларини қудратли ҳолда сақлаб, уларнинг ҳурмати-ю мартабаларини кўтариши зарур.

Академик Азиз Қаюмовнинг эътироф этишича, "Сиёсатнома" жамият ҳаётининг турли жиҳатлари учун ибрат бўладиган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Ундаги панду насиҳатлар подшоҳлардан тортиб ғуломларгача дахлдордир. Асар муаллифи жамият аъзоларини садоқат, ҳақиқат, адолат йўлида қойим турмоққа ундайди, ақл ва жасорат билан иш тутмоқ йўлларини кўрсатади.



Низомулмулкнинг фикрича, адолат ва саховат хайр-садақадан, муҳтож, ночор кишиларга ёрдам беришдан, бева-бечораларга, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. У адолат ҳақида шундай деган: "Одам алайҳиссалом замонидан бери то ҳозиргача дунёда ҳар миллат ва мулкларда адолат қилиб келинган, инсоф бериб тўғри иш тутилган ҳоллар кўп. Шундан уларнинг мулку давлатлари узоқ йиллар обод бўлиб турган".

Хулоса ўрнида айтамизки, Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асари ҳар бир кишини адолатли бўлишга, ҳақиқатни муқаддас деб билиб яшаш ва ишлашга ўргатадиган қимматли манбадир.

ЮНЕСКО фундаментал фанлар соҳасида Дмитрий Менделеев номидаги 250 минг долларлик мукофот таъсис этди

БЕРАРДА ОЛАР ЖОНИН...

Гайратжон БАКИРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

У тун ярмидан оққанда уйига қайтди. Ухлай олмай тонг оттирди. Эрталаб хотинига ёрилди. Мавжудахон эс-ҳушини йиққач, қариндошимиз — адвокатга учранг дея йўл кўрсатди. Адвокат Исҳоқхон эса прокуратурага айбига иқрорлик аризасини ёзиб берса, енгиллик бўлишини тушунтирди. У иқрорномани ёзиб берганидан сўнг орадан уч кун ўтиб Ёзёвон туманининг Қоратепа қишлоғи яқинида Катта Фарғона каналидан жасад топилди. Қотилликнинг боиси нимада? Ўттиз саккиз яшар йигит нима учун зоҳиран ўз синглисидай яқин муносабатда бўлган қизнинг жонига қасд қилди?

...Мева тердириб сотишда тажриба орттирган Хўжамберди (исм-фамилиялар ўзгартирилган) энди брокердан алоҳида ишлашни ихтиёр этади. Адир этагидаги боғ эгаси билан савдолашади. Нархини келишиб олгач, хамир учидан патир дея юз минг сўм беради. Эртаси куни саҳарда қўшни қишлоқ гузаридан тўрт нафар қиз ва аёлларни машинасига ўтқазиб боққа етиб келади. Бегонаси йўқ, опа-сингил, келин ва овсинлар билан уч йилча аввал мева теримида танишган эди. Кенжаси Ҳамида эпчил, хушчақчақ, меваларни саралаб қадоқлашнинг ҳадисини олганди. Кечки пайт яшикдаги мевани машинага юклаб жўнатганларидан сўнг Хўжамберди уларни енгил машинада қишлоққа элтиб қўяди. Одатдагидай хизмат ҳақини тақсимлаб беради. Ҳамида бу гал пулни олмайди. "Акамдай бўлиб қолдингиз, ўзингизда турсин, иш ҳақимни йиғиб, кўпайтириб берасиз, зориққанимда олиб тураман" дейди.

Шу тариқа Хўжамберди етти-саккиз йил мобайнида ҳар мавсум опа-сингиллар билан бирга ишлаган. Ҳамиданинг ишлаб топган пули Хўжамбердида жамланиб борган. Брокер май ойидан ноябрь ойигача боғлардан, ҳовлилардан харид қилиб, тердириб олган меваларни улгуржи савдогару агрофирмаларга устига нарх қўйиб сотган. Беш-олти йилда мўмай даромад топган. Иккита енгил машина харид қилган. Хўжамберди мавсумдан мавсумгача бўлган пайтда "Дамас" машинасида киракашлик қилган.

Ҳамида онаси билан яшаб турган уйи томорқасида мева кўчати етиштиришни ўрганади. Сўнгги икки йил мобайнида етиштирган сотган кўчат пулини ҳам сақлаб туриш учун Хўжамбердига насини харид қилиш тараддудида эди.

— Синглим Ҳалимахон, марҳум кенжа синглим Ҳамида, акамнинг турмуш ўртоғи Мунисхон билан ҳар мавсум мева теримига чиқардик, — дейди Л.Маҳмудалиева. — Етти-саккиз йилдан буён Хўжамберди бизга ишладик. Биз мева терардик, кенжа синглим Ҳамида яшикларга жойларди. Хўжамберди теримчиларга 35-40 минг сўмдан, Ҳамидага кўпроқ — 50 минг сўмдан иш ҳақи берарди. Синглим иш ҳақини олмасдан Хўжамбердида сақлаб келганди. Зарурат бўлганда олиб турганини биламан. Ҳамида етиштирган кўчат пулини — ўн икки миллион сўмни ҳам унга бериб қўйганди. Синглим йиғилган пулига машина олмоқчи эди. Хўжамберди синглимни пулини бермаслик учун ўлдирган.

Суд жараёнида аниқланганидек, ёз куни эрталаб марҳум судланувчига қўнғироқ қилиб ишга қачон чиқишларини сўрайди. Хўжамберди ҳозирча иш йўқ дея телефонини ўчириб қўяди. Кечқурун уйидан чиқаётганида ташқарида Ҳамида қарши олади. Пулини беришни талаб қилади. Хўжамберди ваъдани қуюқ қилиб тинчлантиради. "Дамас" машинасида уйига элтиб қўяди. Эртаси куни Ҳамида билан кечгача бир неча бор телефонда гаплашади. Тунги соат ўн бирларда уйига боради. Уни "Дамас"га миндириб, Қувасой шаҳри йўлидаги Қалъача қишлоғи яқинида тўхтайди. Ҳамида гўё "Дамас" машинасини беришни талаб қилиб жанжал чиқаради. Хўжамберди унинг бўйнини чангаллаб, беш-ўн дақиқа бўғиб туради... Катта йўлга чиқиб, мурдани Қува туманининг "Оққўрғон" МФЙ ҳудудидан ўтган Катта Фарғона каналига ташлаб юборади.

— Менга сақлаб тургани пул бермаган, — дейди судланувчи Хўжамберди Ражабов. — Хотининг билан ажрашиб, менга уйланасан, "Дамас" машинасини номимга ўтказиб берасан деб жанжаллашгани туфайли бўғиб қўйдим.



бериб қўяди. Сиртдан ўқишга киради. Шартнома пулини Хўжамбердидаги пулидан олиб тўлайди. Акбароддлик Муҳиддин қизга ошиқ, уйланиш ниятида эди. Ҳамида смартфонини ишлата олмасдан суйган йигитига бериб қўяди. Ўзи "Самсунг" телефонидан фойдаланади. Смартфонни Муҳиддинга берганини билиб қолган Хўжамбердининг жаҳли чиқади. Ҳамида онасини даволатгани пул сўраб олганида баттар тутоқади. Брокер ҳамёни қаппайгани сайин бир тийин устида етти думалайдиган очкўзга айланиб бормоқда эди. Оларда кирар, берарда чиқар жони деганларидай Ҳамиданинг пулини қайтариб бермоқчи эмасди. Қиз эса турмушга чиқиш арафасида "Ласетти" машинасини харид қилиш тараддудида эди.

Суд унинг ушбу важини айбини енгиллаштириш учун келтирган дея баҳолади. Суд мажлисида аниқланганидек, Х.Ражабов марҳум билан ака-сингилдай муносабатда бўлган, марҳум мева теримида ишлаб топган ҳамда кўчат сотиб топган пулини сақлаш учун унга бериб қўйган. Х.Ражабов у билан келиша олмасдан, пулини қайтаришдан қутулиш мақсадида унинг жонига қасд қилган. Суд очкўз қотилни ўн саккиз йилга озодликдан маҳрум қилди. Кассация инстанцияси ҳукмни ўз кучида қолдирди.



ҲАЙДОВЧИ «ХАЛОСКОРИ»

Сирожиддин САТТОРОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Жаҳонгир (исмлар ўзгартирилган) синфдошлари билан зиёфатга борадиган бўлди. Бир синфдоши фарзандли бўлган экан. Зиёфат зўр бўлди, қадрдонлар йиғилиб роса улфатчилик қилишди. Жаҳонгир рулда бўлса ҳам бир-икки пиёла ароқ ичди. Зиёфатдан сўнг ҳам синфдошлар унинг "Дамас"ига миниб у ёқ-бу ёққа боришди. Хуллас, тун яримлади.

Шаҳар томондан уйига қайтаётганди. Машинасида икки синфдоши маст бўлиб ухлаб ётибди. Унинг ҳам жуда уйқуси келди. Машинани катта йўлнинг одам ва машиналар гавжумроқ жойида бир четга тўхтатиб ухлади. Бир пайт телефони жиринглаб, уйғониб кетди. Телефонда гаплашиб туриб, атрофга қаради. Сал нарироқда бир ЙПХ инспектори бир машинанинг ҳужжатларини текшираётганди. Айби борнинг оёғи қалтирайди деганларидек, машинасидан тушди-да, нари кетди. Бир четда ЙПХ кетишини кутиб турди. Бироқ унинг ҳаракати ЙПХ ходимининг назаридан четда қолмаган экан. Бироздан сўнг машинасининг олдига борганида ЙПХ ходими келиб ҳужжатларини сўради. Аксига олиб ҳужжатлари ҳам уйида қолган экан. Ялинишга тушди. ЙПХ ходими:

— Спиртли ичимлик ичганмисиз? — деб сўради.

— Тушликда 100 грамм ичувдим... — дея тўғрисини айтди "қўйиб юборар" деган умидда.

ЙПХ ходими рация орқали шерикларини чақирди. Дарҳол етиб келганлардан бири машина рулига ўтирди. Хуллас, Сўғдиёна массивидаги наркология диспансерига боришди.

Диспансердаги навбатчи врач стаканга пуфлатганди, ичкилик аломатлари сезилмади. Шунда навбатчи врач фельдшер-лаборант Акрамга "Бу кишини аппаратда текширинг" деди. Акрам иккаласи аппарат турган хонага киришди. Шунда Жаҳонгир ялинишни бошлади:

— Жон ака, бир ёрдам қилинг, хизматингизни қиламан! Ичганимга 12 соат бўлди. Жон ака... — деб туриб олди.

— Чўнтагингда қанча пул бор? — сўради лаборант ён босгандай бўлиб.

— Юз минг сўм. Машинада ҳам бор. Хоҳласангиз, телефонимни қолдириб кетаман, эртага айтганингизни бераман... — шошиб қолди ҳайдовчи.

— Ҳозир борини бер, қолганини эртага гаплашамиз, — лаборант шундай деб пулни олди-да, Жаҳонгирнинг телефон рақамини ёзиб олди. Кейин аппаратнинг шлангини тутиб:

— Мен айтгандай пуфлайсан, тўхта деганимда бирдан тўхтайсан, — деди.

Жаҳонгир пуфлади, аппаратдаги чироқчаларнинг тўрттаси ёнганда лаборант "тўхта!" деди. Шунда аппарат спиртли ичимлик аниқланмагани тўғрисида қоғоз чиқарди. Иккаласи навбатчи врач ва ЙПХ ходимлари олдига боришди:

— Ичмаган чиқди, — деди лаборант қоғозни врачга узатиб.

— Мумкин эмас! — деди ЙПХ ходими. — Ичганини ўзи айтди-ку!

Навбатчи врач Жаҳонгирга турли машқлар бажартириб кўрди ва "ичмаган" деб далолатнома ёзиб берди. ЙПХ ходими билан ортга қайтишди. ЙПХ ходими "ҳужжатлари йўқ" деган мазмунда баённома расмийлаштириб, машинани жарима майдончасига қўйди. Жаҳонгир уйига пиёда кетди.

Эрталаб унинг телефонига қўнғироқ бўлди.

— Мен Акрамман, наркологиядан. Танидингми? Кеча қутулиб кетдингми?

— Қутулдиму, лекин "бездокумент" деб машинани "стоянка" қилишди. Машинамни чиқарай, кейин сизга учрашаман...

Шу куни Жаҳонгир машинасини жарима майдончасидан чиқара олмади. Кечқурун яна телефонлашишди:

— Машинамни ололмадим, — деди Жаҳонгир.

— Эртага ўзим ёрдам қиламан.

Эртасига тушга яқин Акрам телефон қилди:

— "ГАИ" штабига бориб мени кутиб тур.

Учрашишди.

— Икки юз минг бер, машинангни чиқариб бераман, — деди Акрам.

Жаҳонгир пулни берди. Акрам ЙПХ ходимларининг хонасига кириб кетди. Бироздан кейин Жаҳонгирни чақириб, баённомага имзо қўйдиришди. Кейин ЙПХ ходими автомашинани жарима майдончасидан чиқариш тўғрисида далолатнома берди. Кўчага чиқишгач, Акрам:

— Мана машинангни ҳам олдинг, менинг хизмат ҳақимга юз минг берасан, сен учун шаҳардан такси билан келдим, таксининг пули эллик минг сўм бўлади, — деди.

Жаҳонгир у айтган пулни берди.

— Энди кечаги масалани тезроқ ҳал қил, — деди Акрам.

— Бўлди, ака, сал шароитимни тўғрилай, ўзим сизга учрашаман... Яна қанча беришим керак?

— Бунақа ишларнинг нархи 200 доллар, сен 100 доллар берсанг бўлади. Юз минг сўм бергансан, қолганини етказ...

Ваъдалашиб, хайрлашишди. Шундан кейин Акрам пул сўраб телефон қилишини қўймади, Жаҳонгир ваъда беришдан чарчамади. Бора-бора суҳбатлар қўполлашиб, ҳақоратгача бориб етди. Бир куни Жаҳонгир телефон қилиб қолди:

— Ака, мен ишхонангизнинг олдига келдим, чиқасизми?

— Хонамга киравер, — деди Акрам.

Жаҳонгир кирди ва 600 минг сўмни узатди. Акрам пулни олиб стол тортмасига солиб қўйди. Шу пайт Жаҳонгирнинг телефонига қўнғироқ бўлди. У телефонига жавоб бериб, "ҳал бўлди" деди. Хонага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари кириб келишди. Акрам бирдан ҳаммасини тушунди.

Суд қонунбузар фельдшер-лаборантга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Жорий йилнинг 16 ноябрь куни пойтахтимизда ахборот технологиялари бизнеси ва юқори технологияли тармоқларда тадбиркорлик маданиятини ривожлантиришга бағишланган ItConf.Asia халқаро форуми бўлиб ўтади.

Халқимизда “Қўшничилик – минг йилчилик” деган нақл бежиз айтилмаган. Яхши қўшнилар яқин қариндошлардан ҳам зиёда бўлади. Бир-бирининг борини ошириб, йўғини яшириб, атрофдагиларга намуна қилиб кўрсатишади. Шу боис ота-боболаримиз “Ҳовли олма, қўшни ол” деганлар. Аммо кейинги пайтларда қўшнилар ўртаси муроса қочиб, бир-бирига душмандай қараш, арзимаган сабаб билан ёқа бўғишгача бориш ҳоллари учрамоқда. Ҳатто бундай келишмовчиликлар охир-оқибат қотилликкача бориб етмоқда. Қуйидаги ҳаётий мисоллар буни тасдиқлайди.

ДУШМАНГА АЙЛАНГАН ҚЎШНИЛАР

Муродбек САЛОҲИДДИНОВ,
Булоқбоши тумани прокурори

Сухроб МАЖИДОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Олтинкўллик Собир Носиров ва Акмал Турсунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам девор-дармиён қўшни эди. Ёшлари анча фарқ қилса-да, ҳурмат юзасидан бир-бирига ака-укадек мурожаат қилишарди. Собирнинг ёши олтмишни қоралаб қолган, бироз инжиқ, арзимаган гапга жаҳли чиқадиган, шу боис Акмал билан тез-тез гап талашадиган бўлиб қолди. Оиласидагилар бундан хабардор бўлгани учун уларни ҳамиша иноқ бўлишга ундаб чарчашмасди. Лекин жаҳл келганда оғзига келган сўз билан ҳақоратлашга ўрганиб қолган Акмал тез орада бошқа қўшниларнинг ҳам назаридан қола бошлади.

Собир ҳам ундан ўтса ўтардики, асло қолишмасди. Жанжалкашлиги сабаб судланган эди.

Ўша куни кечки пайт Собир қорамолларига ем-хашак бериб бўлгач, ариқда юз-қўлини ювиш учун кўчага чиқди. Бу пайт қўшниси Акмал Исмат тоғаси билан қаердандир келаётганди.

— Ҳа, Акмалвой, бугун байрам шекилли?! — дея қулиб уларга яқинлашди Собир. Чиндан ҳам Акмал чайқалганча тоғасига нималарнидир уқтириб келаётганди.

— Бунинг маст бўлиб қолганини кўрмайсизми? — аччиқланди тоға. Афтидан Акмал уйига киришга қаршилик қилиб келаётган чоғи, Исмат Собирдан ёрдам сўради. — Буни уйига олиб кирайлик, ака! Жуда эзворди...

Собир қўшнисининг бир ёнидан ушлаганча уни ҳовлисига етаклади. Ичкарига киришгач, Акмалнинг таклифи билан учови бир шиша ароқни ичиб тугатишди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун Исмат ўз уйига кетиш ҳаракатига тушиб қолди.

— Энди уйга кетмасам бўлмайди. Айтганча, ойим ҳам шу ерда-а?!

Шундагина Муҳаббат хола ҳам Акмалникига меҳмонга келгани, ўғли Исматни кутиб ўтиргани ёдларига тушди.

— Ака, бувим билан тоғамни Олтинкўлнинг марказига ташлаб келиш керак, — деди Акмал Собирга. — Машинани миниб чиқасизми?!

— Шу аҳволда машина минармидим?.. Ҳозир ўғлимни чақираман...

Собир шундай деганча ўғлига телефон қилиб, унга машинасини миниб чиқишни тайинлади.

Ўғли ҳаяллamади. Дарров “Кобальт”ни миниб чиқди-ю, Муҳаббат хола билан Исматни олиб йўлга тушди. Икки қўшни эса кўчада суҳбатга берилишди. Шу пайт Акмалнинг ёдига эски воқеалар тушиб, туси ўзгарди:

— Ака, эсингиздами?! Ўшанда жуда ўзингиздан кетгандингиз!?

Шу тариқа ўртада гап қочди. Собир бир гап бўлишини кўнгли сездими, "Бу ҳақда гаплашмайлик" деганча ҳовлисига кириб кетди. Аммо Акмални ичкилик тобора қутуртириб, қуюшқондан чиқараёзган, жаҳлига эрк бера бошлаганди. Шунинг учун Собирнинг ортидан бориб, дарвозани тепиб бақиришга тушди.

— Эркак бўлсанг, чиқ, ўша кунни "разбор" қилиб оламиз!

Агар Собир мулоҳаза қилганида, кайфи тароқ киши билан тортишиш яхшиликка олиб келмаслигини ўйлаган, ташқарига чиқмаган бўларди. Аммо ичидаги оғу — ичкилик мушоҳадага изн бермади. Жаҳл билан ташқарига отилиб чиқди.



Аввалига гап талашган қўшнилар дам ўтмай муштлашиб кетишди. Иккови бир-бирини аямай дўппослар, оғзидан ҳақоратли сўзлар аримасди...

Қўни-қўшнилар чақируви билан етиб келган профилактика инспектори ва Собирнинг ўғли уларни зўрға ажратишди. Аммо ҳар иккиси жароҳат олишганди.

Аввал тергов, кейин суд... Ичкилик касрига қолган икки қўшни суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Мана шу воқеадан сўнг узоқ йиллар қариндошдек бўлиб яшаган қўшнилар бир-бирига азалий рақибдай бўлиб қолишди. Бу келишмовчилик уларнинг неча авлодига татишини айтмаса ҳам бўлади. "Жаҳли чиққанда ўзини босиқлик билан идора қилган инсонгина кучлидир" дейишади. Дарҳақиқат шундай.

Ботир (исмлар ўзгартирилган) билан Ғани ён қўшни. Ғани уйининг орқасидаги фермер хўжалигига тегишли 68 сотих ердан анча йиллардан бери фойдаланиб келаётганди. Ботир фермер хўжалигига раис бўлгач, ўша ерни Ғанига бермай қўйди. Низо шундан бошланди.

Ёз кунларининг бирида Ғани маст бўлиб қўшнисининг уйига келди. Жаҳл билан қўшнисини чақира бошлади. Ботирнинг турмуш ўртоғи чиқиб, эри уйда йўқлигини айтиб, балога қолди. Ўзини шердай ҳис қилаётган Ғани “Эринг қани? Чақир Ботирни” деб дераза ойнасини синдирди. Аёлга ҳам жароҳат етказди. Бўлиб ўтган воқеа юзасидан тегишли идорага арз қилишди. Ғанига нисбатан маъмурий баённома тузилиб, у жарима жазосига тортилди. Бу кўнгилсизликдан кейин унинг Ботирга нафрати янада кучайди.

Ўша куни кечки пайт Ғанининг ўғиллари Нурали билан Шерали бошқа ердаги токларига ўра ковлаб келаётганди. Уйига яқинлашганда улар шу пайтгача фойдаланиб келган ерни Ботир трактор билан ҳайдатаётганини кўришди. Ғазабини ичига ютиб, уйга киришди. Отаси маст бўлиб ухлаб ётган экан. Онасига савол назари билан боқишди.

— Тракторчига шошмай туринг дедим. Ботир айтди, ҳайдашим керак деб туриб олди, — деди аёл. Улар овқатланишаётганда Ғани уйғониб қолди. Трактор овозини эшитиб, ташқарига чиқди. Болалари ҳам отасига эргашди.

Одам меҳнати сингган жойни ҳеч кимга бергиси келмайди албатта. Ғанининг жаҳли чиқди.

— Ғалла десанг ғалла экиб берардим. Пилла десанг пилла боқиб берардим. Сендан олдинги икки фермер билан ҳам келишиб ишлагандим, — деди Ботирга.

— Топшириш керак бўлган маҳсулотни ўзим ҳам топшираверараман, — деди Ботир. — Ер керак бўлса сотиб ол.

Тортишувга аёллар ҳам қўшилди. Ўртада дилни хира қиладиган гаплар айтилди. Тўпланганлар урушаётган икки қўшнини уйларига киритишди.

Ҳали сархушлиги тарқамаган Ғани ўғилларига:

— Ерни ҳайдаётганини кўриб туриб, нимага менга айтмадиларинг? — деб бақирди.

Уни болалари зўрға тинчлантирди.

Нуралининг кўзига уйқу келмади. Ўйлаб-ўйлаб Ботир билан гаплашиб олиш учун чиқиб кетди.

Шерали ҳам ҳали ётгани йўқ. Бутун вужудини ғазаб, нафрат кемириб, тинч туролмаяпти. Нуралининг чиққанини кўриб, ортидан борди. У қўшни уй томон кетаётганди.

Йигит ортига қайтиб, ертўлага тушди. Анча пайтдан бери давом этаётган жанжалга якун ясашни истади. Ботирни ўлдирсам ҳаммамиз тинчиймиз деб ўйлади. Болтани олиб кўчага чиқди.

У етиб борганда акаси Ботир билан ер масаласида гаплашаётганди. Ботирнинг “Йўқ, ерни бермайман” дегани эшитилди. Шералига бу гап янаям алам қилди. Сездирмай бориб, болта билан Ботирнинг бошига урди. Атроф қоронғу, бунинг устига ёмғир ёғаётганди. Нурали нима бўлаётганини сезмай қолди. Ботир ерга йиқилди.

— Нима қилиб қўйдинг? — деди акаси унинг қўлидаги болтани тортиб олмоқчи бўлиб.

Бироқ Шерали акасини ҳам итариб юборди, Ботирнинг бошига яна икки марта урди.

Нурали ўрнидан туриб, укасини судраб уйига олиб кетди. Ота-онаси Шералининг аҳволини кўриб, қўрқиб кетишди.

— Кимни урдинг болта билан? — деди отаси.

— Ботир акани, — деди Шерали.

Ғани ўғлини урушиб турганда, Ботирнинг онаси билан опаси бақириб келиб қолди. Бир зумда қий-чув бўлди. Машинада Ботирни шифохонага олиб кетишди.

— Ботирни урганингни ҳеч кимга айтма. Мен ўзим бўйнимга оламан, — деб тайинлади ўғлига Ғани. Болтани эса ҳожатхонага ташлаб юборди.

Ботир олган жароҳатлари туфайли туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимида вафот этди.

Суд ҳукми билан Шерали 19 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

«БЎЛИБ-БЎЛИБ» ПУЛ ОЛМАЙДИГАН ФИРИБГАР

Шерзод НУРМАТОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Бу тоифадаги кишилар одамларни ишонтиришнинг уддасидан чиқишади. Фириб тўрини шу қадар усталик билан тўқишадики, тушган одам жойида ўралашиб қолади. Мақсадларига етиш учун осмондаги ойни олиб бергудай ваъда беришади. “Ўлжа”ларини ҳам осонгина топиб олишади...

Бахтиёр Раҳмонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1972 йилда Қамаши туманида туғилган. Оилали, тўрт фарзанди бор. Қилган жиноятлари учун бир неча марта қамалиб чиққан бу одам қилмишидан пушаймон бўлиш ўрнига яна жиноятга қўл уравериши кишини ажаблантиради.

Акрам Ҳамроев икки ўғлини Ички ишлар вазирлигининг Қашқадарё академик лицейида ўқитиш ҳавасида мазкур муассасага ҳужжат топширтирди. Шу аснода у Бахтиёр Раҳмонов билан танишиб қолди.

— “УВД”да бўлам катта лавозимда ишлайди, бир ўғлингизни ўқишга киритишни гаплашиб беришим мумкин, — дея катта кетди у.

“Гаплашиб бериш” ва “тиббий кўрикдан ўтказиб бериш”нинг нархи 4 миллион сўм бўлишини ҳам секингина қистириб ўтди. Акрам ўйланиб туриб, рози бўлди.

Ўғли Омонбекдан аввалига 900 минг сўм бериб юборди. Бахтиёр тиббий кўрик тўловини қилиб, Омонбекни шифокорларга навбатсиз кўрсатганини маълум қилди. Орадан икки кун ўтгач, Омонбек қишлоқдаги отасига қўнғироқ қилди:

— Бахтиёр ака “пул қолмади, отанг қолганини ҳам жамлаб берсин, яна бўлиб-бўлиб юрмасин” деяпти...

“Бўлмаслик”нинг иложи бўлмади. Акрам яна у ёқ-бу ёққа югуриб, 900 минг сўм пул топиб, Бахтиёрга етказди. Орадан уч кун ўтиб, қолган 2 миллион 200 минг сўмни ҳам қарз-қавола қилиб топиб, Бахтиёрнинг қўлига Омонбекнинг ҳужжатлари билан бирга тутқазди.

— Бўлди, масала ҳал, ўғлингиз тўғри лицейга ўқишга боради... — дея унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришда давом этди Бахтиёр.

Бироқ орадан кунлар ўтди ҳамки, Бахтиёрдан дарак бўлмади. Акрам унга қўнғироқ қилиб, телефони ўчирилганини билди. Излаб, суриштириб, уйини топиб борди. Бахтиёрнинг онаси чиқиб, ўғлининг қаерга кетганини билмаслигини айтди. Акрам Омонбекнинг ҳужжатлари зарурлигини айтгач, бир неча кундан сўнг ҳужжатларни етказди. “Ҳожатбарор”нинг ўзи эса қорасини ҳам кўрсатмасди. Бунинг сабаби кейинроқ маълум бўлди. Омонбек ўқишга кириш у ёқда турсин, илгари жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказгани учун тиббий кўрикдан ҳам ўта олмаган экан. Акрамнинг фиғони фалакка чиқиб, “ҳожатбарор”ни излашга тушди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида бўлиб ўтган суд мажлисида хавфли рецидивист Бахтиёр Раҳмоновнинг навбатдаги жиноятига қонуний баҳо берилди. Суд ҳукмига кўра унга илгари тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан икки йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жабрланувчига етказилган зарар ҳам ундирилди.

Ҳа, пулни бўлиб-бўлиб берманг деб тайинлаган фирибгар энди жазони ҳам бўлмасдан, яхлит ҳолда ўташига тўғри келади...

Қўқон ва Тожикистоннинг Шайдон шаҳри ўртасида янги автобус қатнови йўлга қўйилди.

FAOLIYATIDAN

Меҳр кўзда дейдилар

Ҳамидулло ТУРҒУНБАЕВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Куёв 29, келин 27 ёшга кирган. Икки фарзанди бор. Оиладаги келишмовчиликлар туфайли ажрашиб, бир йилдан буён алоҳида яшашади. Сўнгги пайтда алимент тўламай қўйган Фаррух билан суҳбатлашилганда рафиқаси, фарзандларидан кўнгил узолмагани сезилади. "Онам билан санаторийга борди, — дейди у. — Балки ярашиб алоҳида турсак, кейинчалик бир-бирларини тушунишар". Рафиқаси Гуллолаҳоннинг ҳам бирга яшашдан умидворлиги аён бўлади. "Катта ўғлим ўзимизнинг уйимизга қачон борамиз деганида гап топа олмай қоламан".

Меҳр кўзда дейдилар. Ота-онанинг ажрашишидан болалар жабр кўради. Меҳр ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Давлат ижрочилари алиментларни ундириш баробарида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда оилаларни имкон қадар яраштириш борасида иш олиб бораяпти. 2019 йилнинг 9 ойида 1589 та оила қайта тикланишига эришилди.

Вилоят бўйича шу даврда алимент ундириш билан боғлиқ 10430 та ҳужжатнинг ижроси таъминланди. Қарздорлардан 21 миллиард 134 миллион 200 минг сўм алимент ундирилди, 622 та қарздорнинг четга чиқиш ҳуқуқи чекланди, 5730 та ижро ҳужжати бўйича ундирувчи ва қарздорлар муроса йўлини танлашди.

Вояга етмаган фарзандларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қарздорлардан алимент тўлашни талаб қилиш билан чекланмасдан, ҳар ойнинг учинчи жума куни меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 1292 нафар ишсиз қарздор ишга жойлаштирилди. Шунингдек, алимент тўлашдан қочиб юрган қарздорларга нисбатан қидирув эълон қилинган. Ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорликда 320 нафар қарздор ушланиб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

> *Бир ярим мингдан ортиқ оила қайта тикланди.*

Ўз фарзанди учун алимент тўлашдан қатъий бош тортган 430 нафар қарздорга нисбатан маъмурий судлар МЖТКнинг тегишли моддасига асосан маъмурий қамоқ жазоси тайинлади. Хусусан, 2,6 миллион сўм алимент пулини 6 ой давомида тўлашдан бўйин товлаб келган А.Қурбонов 15 суткага қамалди. Қўқонлик Б.Абдуллаевга ҳам икки фарзанди учун бир йил давомида 6,8 миллион сўм алимент пулини тўламагани сабабли суд томонидан қамоқ жазоси берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг буйруғига асосан Аслиддин Бекмирзаев алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар 56,3 миллион сўмлик алимент пулини бирйўла тўлашни маъқул кўрди.

Ҳар қандай хатти-ҳаракатда маънавият мезон бўлади. Маънавиятсиз кишилар эса ўзини бошқара олмайдиган, феъли тор, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайдиганлар тоифасига киради.

Қуюшқондан чиққанлар

Илҳом ТУРСУНОВ,
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

Мажбурий ижро бюроси Ғиждувон тумани бўлими давлат ижрочиси А.Мажидов туман маъмурий судининг 2018 йил 10 декабрдаги қарорини бажариш мақсадида "Памўза" маҳалла фуқаролар йиғини Навбаҳор кўчасидаги 47-уйга борганида мазкур уйда яшовчи Нурали ҳамда Шерали Шариповлар унга қаршилик кўрсатиб енгил жароҳат етказишган.

Шунингдек, Ш.Шарипов давлат ижрочисини уриб, унинг "Xiaomi Mi A2 Lite" телефонини тортиб олиб синдирган.

Қонунни бузган киши албатта жиноий жавобгарликка тортилади. Жазо муқаррарлиги таъминланмас экан, зўравонлар қуюшқондан чиқиб кетиши тайин.

Мазкур ҳолат юзасидан 2019 йил 19 июлда жиноят иши қўзғатилди. Тергов натижасига кўра жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилди.

Суднинг 2019 йил 19 сентябрдаги ҳукми билан айбдор деб топилган Нурали ва Шерали Шариповларга бир йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Миллионларга тенг ўзбошимчалик

Сардор ҲАКИМОВ,
МИБ Чилонзор тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилганидан кейин тўлов интизоми бирмунча мустаҳкамланиб, энергия ресурсларини талон-торож қилишга чек қўйиб келинмоқда. Бироқ баъзилар ҳамон электр тармоғига ноқонуний уланишни канда қилмаяпти.

МИБ Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан "Чинор коммуналчи" ХУЖМШ раҳбари Я.Бобомуродов Чилонзор тумани Д20А-мавзеси 9-уйнинг ертўласида жойлашган электр трансформаторига тартибга зид равишда уланиб олгани аниқланган.

Кўп қаватли уйнинг олтита 4,5 кВтлик лифти ва 41 та электр лампаси аҳолига кунутун хизмат қилган. Бироқ сарфланган электр қуввати учун пул тўланмаган. Оқибатда таъминотчи корхонага 30 056 124 сўм зарар етказилган. Ушбу ҳолат бўйича "Чинор коммуналчи" ХУЖМШ раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Айбига иқрор бўлган Я.Бобомуродов етказилган зарарни тўлиқ қоплагани сабабли ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандига асосан жиноят иши тугатилган.

Қарзни тўлади, чекловдан қутулди

Мирзоҳид ЭШИМОВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Айтиш керакки, алимент ундириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг ижроси таъминланиши оилавий можаролар, ёш оилаларнинг ажрашиб кетиши каби кўнгилсиз ҳолатларнинг асоратларини юмшатиш, бартараф қилиш имконини бермоқда. Айниқса, алимент ундиришда таъсирчан усулларнинг қўлланаётгани ота-оналарнинг масъулиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2019 йил 19 майдаги буйруғига асосан А.Бўриевдан Г.Ибодуллаевага икки фарзандининг моддий таъминоти учун даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган эди. Бироқ ота бундан бўйин товлагани боис "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 42-1-моддасига асосан унинг Ўзбекистондан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чеклаб қўйилди.



Бюронинг Қарши шаҳар бўлими давлат ижрочилари олиб борган мажбурий ижро ҳаракатлари ҳамда тушунтириш ишлари натижасида А.Бўриев фарзандлари 18 ёшга тўлгунча олиши лозим бўлган пулни бирйўла тўлашга қарор қилди ва Г.Ибодуллаевага 52 миллион 500 минг сўм пул берди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2018 йил 20 апрелдаги ижро варақасига кўра А.Худойбердиев бир фарзандининг моддий таъминоти учун даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент тўлаши белгиланган эди. Бироқ у оталик бурчини унутиб, алимент тўлашдан бўйин товлади. МИБ Қарши тумани бўлими давлат ижрочиларининг саъй-ҳаракати билан А.Худойбердиев 34 миллион 223 минг 447 сўм алимент пулини тўлаб беришига тўғри келди.

Бундан ташқари, фуқаро Н.Ражабов бир неча йилдан буён фарзандига алимент тўламай келаётган эди. Бюронинг Яккабоғ тумани бўлими иш юритувида бўлган ижро ҳужжатига асосан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида у алиментни муддатидан олдин тўлайдиган бўлди.



МИБга Хоразм бир қадам

Раҳимжон АБДУРАҲМОНОВ,
МИБ Сирдарё тумани бўлими катта инспектори

Сирдарёдан Хоразмгача минг километр бўлган тақдирда ҳам МИБчилар учун бу узоқ масофа эмас. Чунки суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш уларнинг бурчидир.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг ижро варақасига асосан "Hamkorbank" Гулистон филиалининг "Eldor zotdor chorvalari" МЧЖ ва қўшимча жавобгар "Colden trans bizness" ва Умаржон Ҳакимовдан 104 миллион 476 минг 362 сўм қарзини ундириш белгиланган эди.

Қарзни ундириш қўшимча жавобгар бўлган жамиятга тегишли "Chrysler" автомашинасига қаратилганди. Шундай бир вазиятда машина негадир "йўқолиб" қолди. Энди қарзни ундиришга қидирув гуруҳи аъзолари ҳам жалб этилди. МИБ қидирувчилари сомон ичидаги игнани ҳам топиши тайин. Бу гал шундай бўлди. Бюронинг Сирдарё тумани бўлими қидирув шўъбаси ходимларининг саъй-ҳаракати билан автомашина Хоразмдан топилди.

Фуқаро Матлуба Абдусатторова ва Раҳимжон Избосаров уй олиш мақсадида Шоҳида Сатторовага 156 миллион 263 минг сўм беришади.

Файзулла ТАШБОЕВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси инспектори

Аммо Ш.Сатторова уй учун олган пулини бошқа нарсаларга сарфлаб юборади. Шундан сўнг ушбу ҳолат фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида кўриб чиқилди.

Суд қарздор Ш.Сатторовадан уй учун берилган 156 миллион 263 минг сўмни, 6 миллион 250 минг сўм давлат божи ва 14 минг сўм почта харажати, жами 162 миллион 528 минг сўмни ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Ушбу ижро ҳужжати юзасидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида Ш.Сатторова Ўзбекистондан чиқиб кетиши мумкинлиги аниқланиб, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддасига асосан унинг Ўзбекистондан чиқиши вақтинча чеклаб қўйилди.

Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздор Ўзбекистондан чиқиш учун барча қарзини тўлиқ тўлаб берди.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбийлари Англияда ўтказилган халқаро «Кембрия патрули» танловида биринчи ўринни қўлга киритди.

FAOLIYATIDAN

Яна қўшиб ёзиш...

Қўшиб ёзиш, кирим-чиқим ҳужжатларини сохталаштириш орқали маблағни талон-торож қилиш каби иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш борасида иш олиб борилмоқда. Хусусан, "Бағдод пахта тозалаш" АЖнинг "Қизилтепа пахта тайёрлов маскани"да пахтанинг сақланиши, қайта ишланиши ва давлатга топширилишида жиддий қонунбузилишлар аниқланди.

Абдуғани Ғиёсов (исм-фамилия ўзгартирилган) пахта пунктида катта классификатор вазифасида ишлаб келган. Олтиариқ тумани фермер хўжаликларида етиштирилган пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун заводга жўнатиш, ҳисобот тузиб топшириш каби хизмат вазифаларидан ғаразли мақсадда фойдаланган. У 2018 йили терим мавсумида 74 та фермер хўжалигидан 5750 тонна пахтани қабул қилиб олади. Номлари ўзига маълум бўлган фермер хўжаликлари топширган пахтанинг қабул варақалари ва юккатларига 82,5 тонна хомашё қабул қилинганини қўшиб ёзиб, сохта ҳужжатлар тузади. Қалбаки ҳужжатларни тақдим этиши натижасида "Бағдод пахта тозалаш" АЖнинг 287 миллион 362 минг сўмлик мулки талон-торож қилинади.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар жамиятга етказилган зарар судланувчи А.Ғиёсов топширган 20 млн. сўм пул ва Олтиариқ туманидаги "Каримжон Ғаниев файз" ҳамда "Абдукарим ҳожи ўғли Абдували ҳожи" фермер хўжаликлари томонидан жамиятга кўрсатилган транспорт хизмати эвазига 204 миллион 171 минг сўм ва 62 миллион 900 минг сўм ҳақдорлиги ҳисобидан қопланганини баён этди. Зарар қопланган инобатга олиниб, қилмишига тўлиқ иқрор бўлган А.Ғиёсовга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жамшидбек ҚАЙИМОВ,
Департаментнинг Олтиариқ тумани бўлими бошлиғи



Ечилмаётган «шапка»

Мамлакатимизда автомашиналарнинг эркин савдоси учун барча имкониятлар яратилгани, ноқонуний олди-сотди билан шуғулланишнинг оқибати бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Эргаш МАШАРИПОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

Афсуски, ҳали ҳам айримлар белгиланган талабларга бўйсунмасдан, ноқонуний фаолият билан шуғулланган ҳолатлар кузатилмоқда. Хусусан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси ҳамда Янгиариқ тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда ана шундай фирибгарликка чек қўйилди.

Урганч тумани Юқоридўрмон қишлоғида яшовчи Саида Эшчонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига мурожаат қилиб, Урганч шаҳрида яшовчи Ботир Раҳматов Тошкент шаҳридаги "Ўзавтосаноат" ОАЖга қарашли автосалонлардаги танишлари орқали автомобил сотиб олиш учун шартнома олиб бериш эвазига ундан 300 АҚШ доллари сўраганини маълум қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган тадбирда Урганч шаҳар Проектная кўчасида Ботир Раҳматов автосалондаги танишлари орқали автомашина шартномасини тез орада олиб бериш эвазига Саида Эшчоновадан 300 АҚШ долларини олган вақтда қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан Ботир Раҳматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.



Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг Чироқчи тумани бўлими ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро Шуҳрат Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва бошқаларнинг мурожаатлари асосида тезкор тадбир ўтказди.

Ер эгасиз эмас

Бахриддин АЗИЗОВ,
Департаментнинг Чироқчи тумани бўлими бошлиғи

Тадбирда Чироқчи тумани Дам қишлоғида яшовчи Карим Азизов фуқаролар Ш.Бобоев ва Ҳ.Анваровга фирибгарлик йўли билан "Ч" фермер хўжалигига қарашли ернинг 6 сотихини 25 миллион сўмга сотган вақтида ушланди.

Шунингдек, терговга қадар текшириш жараёнида у 2019 йил 25 февраль куни "Ч" фермер хўжалигига тегишли 2,5 сотих ерни фуқаро Р.Тоировга 7 миллион сўмга сотгани ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ҳар қандай фаолият ҳалолликни хуш кўради. Хусусан, савдо-сотикда ҳалол ишламасангиз, бир куни панд ейишингиз аниқ. Жўрабек Иноятов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2017 йили ўз фаолиятини бошлаганида ҳалол ишлашни ўйлагани аниқ. Бироқ кейинчалик мўмай даромад топиш илинжида фикри бузилди.

Ҳалоли буюради

Отабек РАУПОВ,
Департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим катта суриштирувчиси

2019 йилнинг январь-март ойларида пул кўчириш йўли билан 10 миллиард 86 миллион 99 минг сўмлик юқори ликвидли товарларни сотиб олиб, уларни накд пулга чакана сотиб, тушган пулни банкка топширмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидасини бузган. Тушган фойдадан боши айланиб кетган тадбиркор энди бу ёғига "Давринг келди, даврон сур" дегандек ҳаракатларини давом эттиради. Илгари судланган ҳам ёдидан кўтарилди. 2017 йил апрель ойидан 2019 йил апрель ойига қадар корхона ҳар хил товарлар учун 10 миллиард 226 миллион 13 минг 600 сўмлик пул айланмасини амалга оширган.

Савдо ва хизмат қилиш қоидасини бузишга одатланган тадбиркор накд пулга сотилган маҳсулотлардан тушган тушумни яширгани сабабли Солиқ кодексининг 114-моддаси 4-банди талаблари асосида 2019 йил 1-чораги учун қўшилган қиймат солиғига 1 миллиард 484 миллион 302 минг 900 сўм қўшимча солиқ ҳисобланди.

Ҳуқуқбузар қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди.

Она қўлидаги яроқсиз маҳсулот

Табиийки, ҳар биримиз истеъмол учун бирон нарса сотиб олганимизда ҳушёр бўлишга уринамиз. Чунки сифатли, чиройли, тоза маҳсулот саломатлик учун ҳам муҳимдир.

Икромжон ЖАКБАРОВ,
Департаментнинг Чортоқ тумани бўлими бошлиғи

Муддати ўтган ёки айниган маҳсулотларни билиб-билмай истеъмол қилиш эса саломатлигимизга жиддий зарар етказиши, ҳатто заҳарланишга олиб келиши мумкин. Шу боис бозорларга чиқарилаётган ҳар бир товар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари берадиган махсус рухсатнома билан сотилади.

Аммо орамизда бозорларга сотаману кетаман қабилида ноқонуний, истеъмол учун хатарли маҳсулотларни олиб чиқадиган фуқаролар ҳам учраб туради.

Дилором Холиқова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Уйчи туманидан, олти фарзандининг онаси. Ўзи ҳам юқорида айтилганидек фарзандлари соғлом камол топишини истайди. Аммо негадир бозорга истеъмолга яроқсиз маҳсулот чиқаришдан ўзини тия олмади. У сотмоқчи бўлган 200 килограмм пахта мойи текшириб кўрилганида, истеъмолга яроқсиз экани тасдиқланди.

Қилмишидан пушаймон аёлнинг оилавий шароити, вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, жазо тайинлашда унга нисбатан енгиллик берилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган Д.Холиқовага энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинди.

Шоядки, "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил" деганларидек, бу ҳолат кимларгадир сабоқ бўлса...

Келгуси сонда ▶

ЭР УЙДА, ХОТИН КЎЧАДА БЎЛИШИ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ХИСЛАТ ЭМАС. АФСУСКИ...

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
— tijorat materiali.

Buyurtma v-3853.
16 309 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **H.NISHONOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi **231**

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Наманган вилояти ҳокимлиги ва Саудия Арабистонининг «Alqusaier company» компанияси томонидан имзоланган меморандумга кўра, 78 гектар майдонда Namangan City барпо этилади.



Гвардиола Каталония президенти бўлади(ми)?

"Барселона" клубининг собиқ бош мураббийи Гвардиолани Каталония президенти қилишмоқчи. У бунга рози бўлмаса керак.

Маълумотларга қараганда, "Каталония учун биргаликда" партияси "Манчестер Сити" клуби бош мураббийи Хосеп Гвардиоланинг футболдан кетиб, сиёсатга ўтишини хоҳламоқда.

"El Confidencial" нашрининг ёзишича, 48 ёшли мутахассис Каталония мустақиллиги учун бўладиган сайловда қатнашишга қизиқиш билдирмоқда. Фояга кўра Гвардиола юқоридаги партия фаолига айланиб, Каталония президентлигига даъвогарлик қилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги шартномага кўра Гвардиола 2021 йилга қадар "Манчестер Сити"га мураббийлик қилиши керак.



Норасмий келишув

Каталониянинг "Барселона" ва Мадриднинг "Атлетико" клублари норасмий келишувга эришди. Унга кўра "Барса" Мадрид клубига 15 миллион евро ўтказиб беради.

"Барселона" ва "Атлетико" клублари Антуан Гризманн иши бўйича келишувга эришди. Каталония клуби француз футболчиси билан музокарани эрта бошлагани учун "Атлетико" жамоасига юқоридаги суммани тўлашга рози бўлди.

Бунинг эвазига "Атлетико" Гризманнинг "Барселона" билан ёзишмаларини оммага ошкор қилмайди. Таъкидлаш керакки, "Барселона" клуби шунингдек "Атлетико" жамоасининг бирйўла беш ўйинчисини сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Шу жумладан, Хосе Мария Хименес ва Сауль Ньигеслар ҳам мазкур рўйхатда бор.

Аммо "Барселона" клубидан ўйинчиларни сотиб олиши учун уч нарса талаб қилинади: ўйинчининг "Атлетико"дан кетиш истаги, мадридликларни қаноатлантирадиган маблағ ва уларнинг футболчини сотиш истаги.

Бундан ташқари, икки клуб ҳам тўланган маблағ Гризманн ишига алоқаси йўқлигини таъкидлашмоқда. Лекин бу норасмий келишув бўлганини инобатга олсак, бу маблағ ёзишмаларни ошкор қилмаслиги учун "матрасчилар"га ўтказиб берилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Гризманн ёзда "Атлетико"дан "Барселона"га 120 миллион евро эвазига ўтди.

«Олтин тўп»: Роналду учинчи, Месси эса бешинчи бешликда

"France Football" журнали 2019 йилги "Олтин тўп" совринига даъвогарлик қиладиган 30 нафар футболчининг рўйхатини эълон қилди.

Дастлабки бешликдан Садьо Мане ("Ливерпуль"), Серхио Агуэро ("Манчестер Сити"), Френки де Йонг ("Барселона"), Уго Льорис ("Тоттенҳэм") ва Душан Тадич ("Аякс") ўрин олди.

Иккинчи бешликка Килиан Мбаппе ("ПСЖ"), Трент Александер-Арнолд ("Ливерпуль"), Донни ван де Бек ("Аякс"), Пьер-Эмерик Обамеянг ("Арсенал") ва Марк-Андре тер Штеген ("Барселона") киритилди.



Учинчи бешлик Криштиану Роналду ("Ювентус"), Алиссон ("Ливерпуль"), Маттейс де Лигт ("Ювентус"), Карим Бензема ("Реал") ва Жоржиньо Вейналдумдан ("Ливерпуль") иборат бўлди.

Тўртинчи бешликдан қуйидаги футболчилар ўрин олди: Виржил ван Дейк ("Ливерпуль"), Бернарду Силва ("Манчестер Сити"), Сон Хён Мин ("Тоттенҳэм"), Роберт Левандовски ("Бавария") ва Роберто Фирмино ("Ливерпуль").

Бешинчи бешликдан Лионель Месси ("Барселона"), Риёд Маҳрез, Кевин де Брюйне (иккиси — "Манчестер Сити"), Калиду Кулибали ("Наполи"), Антуан Гризманн ("Барселона") ўрин олди.

Олтин бешликда эса Муҳаммад Салоҳ ("Ливерпуль"), Эден Азар ("Челси"), Маркиньос (ПСЖ), Раҳим Стерлинг ("Манчестер Сити"), Жоау Фелишнинг ("Бенфика/Атлетико") номлари эълон қилинди.

Шу тариқа "Олтин тўп"нинг ўтган йилги соҳиби Лука Модрич бу сафар даъвогарлар сафидан ўрин олмади. Шунингдек, Неймарга ҳам бу рўйхатда жой топилмади.

Эслатиб ўтамиз, "Олтин тўп" совринини топшириш маросими 2 декабрь куни Париждаги Шатле театрида бўлиб ўтади. Шунингдек, ўша куни аёл футболчига ҳам "Олтин тўп", 21 ёшдан кичик энг яхши футболчи ва энг яхши дарвозабон учун Лев Яшин совриги тақдим этилади.





Футболчиларни тунаган ким?

Мадриднинг "Реал" ва "Атлетико" клубларида ўйнаётган футболчиларнинг хонадонларини тунаган тўда қўлга олинди.

Испания фуқаролик гвардияси Албаниянинг мутасадди идоралари билан биргаликда профессионал футболчиларнинг уйини тунаган жиноий гуруҳни бартараф этди. Бу ҳақда ўғриларни тутишга қаратилган амалиётнинг ўтказилишида кўмак кўрсатган Европа полиция агентлиги (Европол) маълум қилди.

Таъкидланишича, жиноий тўда тўрт албан ва бир испандан ташкил топган бўлиб, улар 16 октябрдаги махсус рейдлар давомида Мадрид ва Толедо шаҳарларида ушланган.

Охирги бир неча ойда Мадриднинг "Реал" ва "Атлетико" клубларида ўйновчи бир қатор футболчиларнинг уйида ўғирликлар содир бўлган. Полициянинг тахминича, жиноятчилар ўғирлик учун қулай фурсатни топиш мақсадида ўз қурбонлари ортидан ижтимоий тармоқлар орқали кузатишган.

Рейд вақтида ўйинчилар ва уларнинг оилаларига тегишли зеб-зийнатлар, қимматбаҳо машиналар ва минглаб евро нақд пул мусодара қилинган. Бундан ташқари, футболчилар олган мукофотлар, жумладан Чемпионлар лигасидаги ғалаба учун "Атлетико" клуби яримҳимоячиларидан бирига тегишли медал топилган.

Эслатиб ўтамиз, Мадрид дерби вақтида "Реал" яримҳимоячиси Каземинонинг уйига ўғри тушган эди.

Бир асрлик тарихга эга жамоа энди йўқ

"Палермо" клуби энди Италия футбол харитасида йўқ. Жамоа ҳатто ҳаваскорлик лигаларида ҳам қатнашмайди. Клуб банкрот бўлди ва фаолиятини тўхтатди. Бу ҳақда "Corriere dello sport" нашри хабар берди.

Палермо шаҳри суди клубнинг банкрот бўлганини тасдиқлаган. Клубнинг собиқ эгаси Маурицио Дзампарининг ўғли Андреа судга 10 миллион евролик қарзнинг бир қисмини тўлаб беришни таклиф қилган, бироқ бу қарорни ўзгартиришга етарли бўлмаган.

Аввалроқ "Палермо" клуби молиявий қоидабузарликларда айбланиб, Италия чемпионатининг D сериясига тушириб юборилганди. 1986 йилда ҳам клуб шу каби вазиятда фаолиятини тўхтатган, бироқ келаси йилдаёқ тикланган.



Мазкур клуб 1900 йилда ташкил топган бўлиб, уч марта Италия кубоги финалига чиққан ва B серияда 5 марта ғолиб бўлган.

Эслатиб ўтамиз, клубда ўз вақтида Хавьер Пасторе, Эдисон Кавани, Лука Тони каби моҳир футболчилар тўп сурган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«САЙЛОВ – 2019» ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ!

Танлов ташкилотчилари: "Тараққиёт стратегияси" маркази, Марказий сайлов комиссияси, Халқаро матбуот маркази, Халқаро пресс-клуб.

Лойиҳа мақсади: сайлов жараёнига ёшларни кенг жалб этиш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва барчани сайловда овоз беришга чақириш.

Иштирокчилар: ёшидан қатъи назар барча профессионал ва ҳаваскор ижодкорлар қатнашиши мумкин.

Тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

Талаблар: сайлов ва унинг инсонлар ҳаётига таъсири ҳақида креатив, таъсирчан ва замонавий ёндашув акс этган ҳамда давомийлиги 2 дақиқагача бўлган видеоролик тайёрлаш.

Танловга планшет, шахсий компьютер, мобиль телефон ва бошқа воситалар орқали тайёрланган видеороликлар ҳам қабул қилинади.

Формат: AVI, MP4, MOV, MPEG.

Жанрлар: танловга исталган жанрдаги видеоматериаллар: саҳналаштирилган, ҳужжатли, анимацион, мусиқий ва бошқа жанрдаги ишлар қабул қилинади.

Аризалар 2019 йилнинг 15 октябридан 15 ноябрига қадар "Тараққиёт стратегияси" маркази офисида ҳамда info@strategy.uz электрон почтаси ва телеграмдаги t.me/dscuzbekistan расмий канали орқали қабул қилинади.

Танлов номинациялари:
энг яхши саҳналаштирилган видеоролик;
энг яхши анимацион видеоролик;
энг яхши информацион видеоролик;
мухлислар эътирофини қозонган видеоролик.

Мукофот пуллари:
1-ўрин учун 10 миллион сўм;
2-ўрин учун 7 миллион сўм;
3-ўрин учун 5 миллион сўм.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларни ҳакамлар ҳайъати кўриб чиқади ва баҳолайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Ахмет ШЕРБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 9 ноябрь куни Қирғизистон билан ўйнайди.